O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI INV. №

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **23** июнь, жума № **25** (2152).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **23** июня, **2006** год, № **25** (2152).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена свободная

Барчамизга маълумки, информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистлар зиммасида бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Лекин менинг назаримда, уларнинг орасида энг муҳим бир йўналиш борки, у ҳам бўлса, ҳалқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июнь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларусь пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

– Ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлишдан олдин унинг халққа, давлатга қандай нафи тегишини ҳисобга олиш зарур, – деди Президентимиз. – Ўзбекистон ЕврАзЭСга аъзо бўлишдан қандай манфаат кўради? Бу саволга жавобни ташкилотнинг номидан топса бўлади. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти. Демак, биз бу ташкилот доирасидаги ҳамкорликдан биринчи навбатда иқтисодий манфаат кўришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ташкилот олдида турган асосий масалалар ҳақида тўхталар экан, аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқни янада ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, сармоялар бозорини ташкил қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Минтақада божхона иттифоқини тузиш масаласини ниҳоясига етказиш ҳам долзарб вазифалардан эканлигини қайд этди.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарларининг Минск учрашувида интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

Ф.АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Бизнинг лейтенант ҳам қўшилди сафга!

ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қатнашди.

Осиёда кўплаб минтақавий тузилмалар мавжуд. Аммо уларнинг деярли барчаси жуғрофий ва савдо-иқтисодий омиллардан келиб чиқиб тузилган. Мазкур кенгаш эса қитъада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини ялпи қамраб олган. Шу жиҳатдан у муҳим аҳамиятга эга.

Форумда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Россия Президенти Владимир Путин, Хитой Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар. Шунингдек, Таиланддан Бош вазир Таксиан Шинаватра, Исроилдан Бош вазир ўринбосари Шимон Перес, Ҳиндистондан махсус вакил – нефть ва табиий газ вазири Мурли Деора, Эрондан ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Аббос Эракчи, Мўғулистондан парламент Спикери Мэндсайхан Энхсайхан, Фаластиндан Фаластин Озодлик ҳаракати Ижроия қўмитаси аъзоси Саъд Аҳмад Ауда, Туркиядан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ Гул ва бошқа қатор мамлакатлардан махсус вакиллар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли раис!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакилларини қутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга самимий миннатдорчилик билдириш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Кенгашда бугун муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этмоқчиман.

Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шарти бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Лекин бизнинг асримизда – глобаллашув ва геосиёсийлашув жараёнлари ғоят чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзгариб, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг олдини олиш борасида давлатларнинг саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар мавзуси кўплаб минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг аввало, нуфузли ташкилот бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-марказида туради.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

КИТОБАТ — САНЪАТ ДУРДОНАСИ

Маданиятимиз, маънавиятимиз замирида китобат деган бир санъат бор. Мазкур санъат орқали аждодларимизнинг буюк маънавий мерослари бизгача етиб келган. Етиб келганида ҳам турлича безакларию, жимжимадор ҳошиялари билан. Бугун мазкур санъат қайсидир маънода тарих мулкига айланди. Негаки, фантехнологиялар инқилоби асрида, ахборот асрида яшаяпмиз. Замонавий, «ақлли машина»лар ёрдамида китоб чоп этиш, безаш билан боғлиқ ишларимизни сифатли ва бир зумда амалга оширамиз. Мазкур мавзу бўйича тўхталаётганимизнинг асосий сабаби аждодларимизнинг ана шундайин бой маданиятидан бугунги авлодни баҳоли қудрат воқиф этиш, уларни ўшал анъаналарни давом эттиришга руҳлантириш, қолаверса, яқинлашиб келаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида китобат орқали матбаачилар хизмати қадимда қандайин кечганига бир назар ташлаш.

«Китобат» арабча «катъаба» сўзидан олинган бўлиб, ёзиш, ёзмоқ маъноларини англатган. Китобат санъати дейилганда, китобларни безаш, зийнатлаш билан боғлиқ ғоятда нозик, нафис иш тушунилган.

Марказий Осиёда, хусусан, Ўрта Осиёда китобат санъати қадимдан шаклланиб келган. Бу ҳам бўлса, аждодларимизнинг ўзига хос маданияти даражасини кўрсатади. Энг қадимги китобларимиздан бири сифатида эътироф этиладиган «Авесто»да ҳам мазкур санъатнинг жилосини кўриш мумкин. Ўрта асрларда араб тилидаги қўлёзма анъаналарига асосланган ҳолда китобат санъати шаклана борган.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ БЎЛАР ҚУДРАТЛИ ЮРТНИНГ

Баркамол авлод тарбияси йўлида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳатто бу борадаги устувор мақсад, ният миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналишларидан бирига айланганлигини яхши биламиз. Сирасини айтганда, баркамол авлод тушунчаси замирида жуда улкан маъно мужассам. Миллий ўзлигини, қадриятларини, аждодлар анъаналарини англаган, демакки, маънан етук бўлиш, дегани бу. Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда ҳам маънан етуклик, билимдонлик муҳим ўрин эгаллайди. Билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларидан оқилона фойдалана билади. Демакки, кимнингдир ноғорасига ўйнамайди, ўзгаларга, бировлар фикрига қарам, тобе бўлиб қолмайди. Қолаверса, маънавий қадриятларимиз тикланиши, улар моҳияти англаб етилиши ўзимизни бошқа халқлар орасида тўла ҳуқуқли миллат сифатида англашимизга замин яратади. Дарҳақиқат, комил инсон ўзининг ким эканлигини, кимларнинг фарзанди эканлигини яхши англайди ва шунга муносиб бўлишга ҳаракат қилади.

Президентимиз шундай дейди: **«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.**

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

МАЪНАВИЙ КЎПРИК ЭРУР СЎЗИМИЗ

Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларининг ҳуқуқий асосидир. Ана шу Қонун асосида оммавий ахборот воситалари ривожланмоқда, сафлари кенгаймоқда. Бугун бизнинг ҳаётимизга мустақил ва электрон газеталар, кенг қамровли "Интернет" тизими, кабелли ва хусусий телевидение ҳамда радиолар тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Шу ўринда газетамиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, газетада кейинги пайтларда анча жиддий ўзгаришлар қилинди. "Ватанпарвар" Мудофаа вазирлигининг тармоқ газетаси даражасидан кенг оммага мўлжалланган ягона рангли ҳафтаномага айлантирилди. Мазкур нашр ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, киндик қони тўкилган муқаддас заминга сўзсиз садоқат руҳини сингдиришга йўғрилган материаллари билан армия ва халқ ўртасидаги ўзига хос маънавий кўприк вазифасини ўтай бошлади. Эндиликда газета ҳар бир ватандошимиз хонадонига кириб бормоқда. Газетада янги рукилар остида чоп этилаётган ўқувчилар бон материаллар тобора кўпчилик эътиборини қозонмоқда. "Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам", "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди", "Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!", "Кўнгилга ташриф" каби рукилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телеканали орқали намойиш этилаётган "Ватанпарвар" теледастури ижодкорлари ҳам Қуролли Кучларимизда бўлаётган ўзгариш, ислоҳотлар, Ватан ҳимоячиларининг қайноқ жанговар фаолияти тўғрисида қизиқарли кўрсатувлар тайёрлашга ҳаракат қилишмоқда.

Давлатимиз раҳбари шундай таъкидлайди: **"Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифаларидан бири бўлди".**

Бизнинг мақсадимиз, сиз азиз муштарийларимизга, телетомошабинларимизга бугунги кунда сўзда эмас, амалда нуфузли касбга айланган Ватан ҳимояси фаолиятини тўлақонли ёритиб беришга қаратилган.

ТАҲРИРИЯТ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(Охири. Боши ўтган сонларда)

12. Ваҳдатул вужуд фи-асом – вужуд қувватини бадан сиртига чиқариб ташлаш санъати. Махсус эффектлар ҳосил қилиш, энергиявий «зарба»лар учун. Илм-фанга номаълум.

13. Қуролларга қарши қуролсиз жанг қилиш санъати. Жанговар санъатларда мавжуд усуллар жамланмаси.

14. Оби равони масих – сув унсури билан мулоқот ва сувда жанг қилиш санъати. Бу санъатда махсус ҳаво пуфакчалари ва найчалар ёрдамида сув остида узоқ туриш, сузиш ва жанг қилиш услублари ўргатилган. Сувда, солда, қайиқда ва кемада жанг қилиш услублари тўла эгалланган.

15. От миниш ва отларни ўзига ром қилиш санъати. Акробатик чавандозликдан тортиб, бегона отларни ушлаб минишгача бўлган услублар баён этилган.

16. Олов билан ишлаш санъати. Олов унсуридан тортиб, уни ҳосил қилиш, ундан жангда фойдаланиш услублари ўргатилади.

17. Портловчи моддаларни билиш ва ёнувчан суюқликлар тайёрлаш санъати.

18. Кўздан ғойиб бўлиш санъати. Таъқибга учраганда, душман яқинлашганда тўсатдан кўздан ғойиб бўлиб кетиш санъати. Ғоят қизиқарли ва махфий санъатлардан бири.

(Давоми 8-бетда).



2 ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

ЗАМОНАВИЙ ИЛМЛАРНИ ЭГАЛЛАБ

3 БИТИРУВ – 2006

НИЯТ УЛУҒ – КУНЛАР ҲАМ ҚУТЛУҒ

9 МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИДА

МАРДЛАР МАКТАБИ

11 МАЪНАВИЯТ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саммит аввалида кенгашга Корея Республикаси қўшилгани ва эндиликда унинг аъзолари сони ўн саккизтага етгани маълум қилинди.

Кенгашнинг 2002 йил 4 июнда бўлиб ўтган илк саммитида қабул қилинган якуний ҳужжатда қайд этилганидек, Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мазкур тузилма фаолиятининг асосий мақсадидир. Бунда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлайди. Айниқса, ядровий қуролсизланиш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Шу жиҳатнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун яхши асос бўлади. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббускоридир.

Кенгаш барча турдаги террорчиликни кескин қоралайди. Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка айирмачилик ва наркотрафик ҳам жиддий таҳдид солаётгани борасида кенгаш аъзоларининг фикри якдил. Шу билан бирга, коррупцияга оғир трансмиллий жиноий фаолият сифатида қаралади.

Бу муаммоларнинг барчаси кўп томонлама, мувофиқлаштирилган ҳамжиҳат саъй-ҳаракатларни талаб қилади, албатта.

Кенгашнинг илк саммиттида тўрт йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказиб боришга келишиб олинган эди. Бу галги саммитда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Кенгашнинг ишчи механизми – Котибияти тузилди.

Осиёда хавфсизлик масаласи тобора долзарблашаётгани сир эмас. Саммит қатнашчилари минтақавий хавфсизликни таъминлашда, янги таҳдид ва хавфхатарларнинг олдини олишда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар бўйича зарур чораларни белгилаб олиш юзасидан фикр алмашдилар. Ҳар бир давлат делегацияси раҳбари минтақавий хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз нутқида мозаро ва келишмовчиликларни бартараф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотувлигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар доим устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади. Шу боис ҳозирги шароитда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишонч чоралари механизмини татбиқ этиш борасидаги тавсияларда муайян мозароли вазиятлар ҳисобга олиниши керак.

Таъкидламоқ жоизки, саммитни ёритишда қатнашган журналистлар Ўзбекистон раҳбарининг нутқини катта қизиқиш билан тингладилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар кенгаш тўлақонли ташкилотга айланмаётган бўлса-да, долзарб минтақавий масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш учун яхши имконият яратишини қайд этдилар. Қитъамизда дўст давлатлар кўп, лекин ўзаро муайян келишмовчилик ва зиддиятлар мавжуд бўлган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Кенгаш ана шундай мамлакатлар вакилларининг норасмий мулоқоти учун яхши замин тайёрлайди. Шу боис музокара олиб боришнинг ўзига хос шакли сифатида бу форум келгусида ҳам сақланиб қолиши керак, деган фикр билдирилмоқда.

Саммит якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Декларацияси қабул қилинди, ташқи ишлар вазирлари ва махсус вакиллар Котибият тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Тузилма сафи кенгайиб бораётгани Осиё давлатларининг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишлари уйғунлашаётганидан далолат беради. Саммит қитъа мамлакатлари ўртасида ишонч чоралари механизмларини янада самарали ишга солиш, шу орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиши табиий.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—Олмаота—Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳа йўққи, Қозоғистон давлати ва унинг Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Осиё минтақасида мозароли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳокама қилиш учун белгиланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президенти билдирган муҳим таклифларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон делегацияси номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим.

Биринчидан. Осиё қитъаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларининг, уларнинг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг изчил суръат билан ривожланишини таъминлашда АСЕАН, ШҲТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу боис бугун Форумда муҳокама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу масалаларга доир тамойил ва мулоҳазаларни ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади.

Иккинчидан. Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатларо ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиётда ва сиёсат майдонида учрайдиган айрим хатти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда, бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кескинлик ва қарама-қаршилик туғдирмоқда, миллионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда.

Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг пастлиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Аммо айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ва коллектив нашрларнинг яққол иғвогарлик руҳидаги сурбетларча, мутлақо асоссиз даъво ва чиқишлари айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Бу борада гап кетганида, мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: мусулмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом динини халқаро терроризм билан боғлашга уринишлар, Ғарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда, миллионлаб одамларнинг миллий ғурури ва нафсониятига тегадиган бирёқлама, асоссиз баҳо ва хулосалар калтабинларча баён қилинмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кирдикор ва чиқишлар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва элатлар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва изчил давом этадиган фаолиятини йўққа чиқармоқда.

Таъбир жоиз бўлса, халқаро майдондаги субъектлар ўртасидаги ишончни одамлар ўртасидаги ишонч сингари янги ўтқазилган ниҳолга қиёслаш мумкин. Бу ниҳол вояга етиши, ҳосилга кириши учун уни доимо, ҳар томонлама меҳр билан озиқлантириш ва парвариш қилиш зарур. Афсуски, баъзан унинг ўрнига ана шу кўчат униб-ўсадиган муҳитнинг ўзини заҳарлаш ҳолатлари юз бераётганини кузатиш қийин эмас.

Дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеани баҳолашда «икки ёқлама стандарт»ларни қўллаш ҳоллари кўзга ташланаётгани ҳам, табиийки, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмайди. Пировард натижада шундай хулоса келиб чиқади: айрим давлат ва мамлакатларга мумкин бўлган барча нарсалар бошқаларга мумкин эмас экан.

Яна бир мулоҳаза.

Ушбу Кенгашда қабул қилинадиган ҳужжатларда ғоят муҳим бир ҳолат ҳисобга олинган тақдирда, унинг фаолият самарадорлиги янада ошади.

Яъни, ишонч чораларини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар умумий гаплар билан чегараланмасдан, аниқ йўналишга эга бўлса, бошқача айтганда, бугун халқаро жамоатчиликни ташвишга солаётган муайян мозароли вазиятларга, бу мозаролар аланга олиб урушга айланиб кетмасидан олдин уларни бартараф этишга қаратилса, ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Албатта, бу осон ҳал этиладиган вазифа эмас. Лекин айнан мана шу амалий мақсад – давлатларо муносабатларни яхшилаш соҳасидаги, кескинлик ва можаролар келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этишга йўналтирилган барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Сўзимнинг якунида ушбу анжуманда ҳозир бўлганларнинг барчасига яна бир бор самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, саммит ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 15 июнь куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу саммитда сўзлаган нутқи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Муҳтарам саммит қатнашчилари!

Давлатлар раҳбарлари ва вакиллари – саммит иштирокчиларини қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди. Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Ху Цзиньтаога ва барча хитойлик дўстларимизга меҳмондўстлик ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ўзбекистон ШҲТнинг ўтган беш йиллик фаолиятига бу ерда берилган баҳоларни маъқуллайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий базани шакллантириш, асосий ҳужжатларни қабул қилиш, ШҲТнинг ташкилий ва институционал шаклланиши борасида улкан ишлар қилинди, ШҲТ олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро алоқани йўлга қўйиш бўйича салмоқли қадамлар ташланди.

ШҲТ изчил ривожланиб, ўз фаолияти доирасини хавфсизлик соҳасидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳалар, шунингдек, халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги кўп кўламли ҳамкорликкача кенгайтирди.

Тарихан қисқа даврда ШҲТ нафақат нуфузли халқаро тузилмага айланди, балки ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи омиллардан бири бўлиб шаклланди.

Бизнинг фикримизча, ШҲТнинг халқаро обрўси ва жозибадорлиги ортиб бораётганини белгилаётган энг муҳим жиҳатлар қуйидагилар:

Биринчидан. Евроосиё ҳудудида ШҲТнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва бунга эҳтиёж борлиги, унинг олдига қўйилган ва ҳал этилаётган вазифаларнинг долзарблиги. Бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда ташкилотга аъзо мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга муҳим аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

Иккинчидан. ШҲТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас.

Ниҳоят, **учинчидан,** ҳозирги замонда ШҲТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб барқарорликни сақлашнинг ишончли кафили, радикал ва экстремист кучлар, турли қўпорувчи ва бузғунчи марказларнинг минтақада вазиятни издан чиқариш, уни қарама-қаршилик ва низо майдонига айлантиришга уринишларига тўсиқ қўювчи омил сифатида майдонга чиқаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳурматли саммит қатнашчилари!

Халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай жаҳон бўйлаб хавф-хатар камаймаяпти.

Бугунги форумда вакиллари иштирок этаётган кенг географик ва геосиёсий ҳудудда ҳали ҳамон кескинлик ўчоқлари, ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг кескинлашиш хавфи, иқтисодий ва гуманитар хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Афғонистонда вазиятнинг беқарорлиги, наркотик ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, ушбу мамлакатда жойлашган коалиция кучларининг бу иллатга қарши кураш чоралари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушуриш, уларни муқобил давлатлараро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этмоқда. Булардан мақсад ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақадаги вазиятни издан чиқаришдир.

Минтақадаги давлатларни, сиёсий йўналиши уларнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келиши ёки келмаслигига қараб, демократик ёки ғайридемократик деб атайди, бундай қарашнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади.

Ўз-ўзидан аёнки, юзага келаётган мураккаб вазиятда узоқ истиқболни ҳисобга олиб бундай комбинацияларнинг рўй бериши мумкин бўлган барча оқибатларини олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш лозим.

Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизликнинг яхлитлиги тамойилидан келиб чиқиб ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этади. Минтақадаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни баҳолашда келишилган ёндашувлар ҳамда радикализм, экстремизм мафкураси хуружи ва миллатчилик кўринишларига қарши жавоб ҳаракатларини ишлаб чиқиш зарур.

Сув-энергетика ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, коммуникация масалалари ва бошқа муаммолар ҳар бир мамлакат ва умуман минтақа манфаатларининг мувозанатини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳал этилиши лозим.

Мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил ривожланиши, халқларимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва кооперацияни янада чуқурлаштиришга, «Шанхай жараёни»нинг барча қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос келадиган муҳим трансмиллий лойиҳаларни ҳал этишда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтиришга боғлиқ.

Айтилган фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидлашни истардимки, имзолаш учун тайёрланган саммит ҳужжатлари – ШҲТда интеграция жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, замон таҳдидларига қарши биргаликда курашиш борасидаги янги қадамдир.

Ишончим комилки, ўзаро ишонч ва ҳурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Қуролли Кучлар академиясида

ЗАМОНАВИЙ ИЛМЛАРНИ ЭГАЛЛАБ

Истиқлол меваси бўлган Қуролли Кучлар академиясида бўлиб, энг ҳаяжонли дамларнинг гувоҳи бўлдик. Битирув арафасида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Очиғи, бу ҳаяжонни аввало устозлар кўзида кўрдим. Ҳаяжонки, шогирдлар — офицер кадрларни замон талаблари асосида тайёрлай олдимми, етарлича билимларни бера билдимми, маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямизга улар муносиб хизмат қила оладими каби ўй-хаёллар билан боғлиқ. Бу ҳаяжонни битирувчилар қалбида ҳис қилдим. Уларнинг кўнгилларидан икки йиллик таҳсил давомида янгича тафаккурни шакллантириш, илғор тажриба ва билимларни эгаллаш учун, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, миллий армиямизни шакллантириш учун етарлича таҳсил ола билдимми, деган ўйлар кечаётганди, назаримда. Энг сўнгги диплом ҳимоялари кечаётган жараёнда иштирок этиб, офицерларимизнинг бу олий билим даргоҳида Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қурилиши бобида, жанговар тайёргарлик ва шайликни ошириш, посбонларни ахлоқий-руҳий тайёрлаш бобида илғор билим, кўникмаларни эгаллашганларини ҳис қилдим.

Масалан, тарбиячи офицер капитан С.Фаттаевнинг диплом ҳимоясини кузатдик. Офицер подполковник А.Амбарцумян раҳбарлигида энг долзарб масала бўйича илмий изланиш олиб борган. Яъни Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг ҳушёрлиги, сергаклигини оширишда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг вазифаларига эътибор қаратган.

– Бунда аввало хавфсизлигимизга бўлган таҳдидларга эътибор қаратиб, халқаро терроризм, диний экстремизмнинг моҳиятини посбонларга атрофлича тушунтиришнинг аҳамияти беқиёс, – дейди офицер.

Майор Абдуғаффор Юсупов алоқа хизматининг бошлиғи вазифасида хизмат қилган. Диплом ҳимояси ҳам айнан алоқани таъминлашдаги устувор вазифаларга қаратилган. Кузатиб туриб ҳис қилдикки, офицер бу борадаги илғор билимларни эгаллаган.

Чегара қўшинлари вакили капитан Дилмурод Жумаев майор Қудрат Садиров раҳбарлигида дипломини ҳимоя қилди. У ўз илмий изланишида давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги муҳим вазифалар борасида мушоҳада юритган.

Таъкидлаш жоизки, диплом ишлари слайдлар шаклида тайёрланиб, видеопушка ёрдамида экранга туширилди. Бу ҳам бўлса энг илғор технологияларнинг илмий жараёнга татбиқ этилаётганидан.

– Подполковник Рустам Раҳмонов, майорлар – Фарҳоджон Ортиқов, Ярослав Расчупкинлар имтиёзли дипломга номзод офицерлардан. Ишончимиз комилки, истиқлолнинг 15 йиллик тўйи арафасида бу нуфузли олий ўқув масканини битираётганлар Қуролли Кучларимизнинг янада шакллануви йўлида, маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган посбонларни тарбиялаш борасида олган билимларини сарфлашади, – дейди академиянинг масъул ходими майор Ўктам Аслонов биз билан суҳбатда.

Толмас ҚУРБОНОВ.
Сергей СПИРИДОНОВ
суратга олган.



ОКРУГЛАРДАН ХАБАРЛАР

Шарқий ҳарбий округ

САРДОРЛАР ИЛҒОР БЎЛСИН

Тажрибали офицер Эргашали Дўсматов бошчилигида округ ҳарбий қисм ҳамда бўлинмалари сардорлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокида командирлик тайёргарлиги машғулотлари ўтказилди. Биринчи босқичда қисм командирларининг тайёргарликлари кўрикдан ўтказилган бўлса, эндиликда батальон, взвод ҳамда дивизион командирларининг тайёргарликларини синаш бошланди.

Ўтказилган кўрик натижаларига кўра, офицерлар А.Саидов, Л.Бузруков ва Б.Ўролбоевлар энг намунали командирлар деб топилди. Тайёргарлик синовлари давом этмоқда.

Капитан Пўлат НОСИРОВ.

Марказий ҳарбий округ

ФИДОЙИЛИК ПОСБОНЛАРГА ХОС

Ёзги ўқув мавсумини посбонларимиз кўтаринки бир кайфиятда давом эттиришмоқда. Ҳатто, яқинда сафларимизга келиб қўшилган оддий аскарлар ҳам машғулотлар пайтида ўргатилаётган ҳарбий илмларни пухта ўзлаштириб, бурчини виждонан ўташмоқда. Ҳарбий қисмда жанговар шайлик ва сергакликни оширишда оддий аскарлар – Рустам Маматов, Дилмурод Фофуровларнинг алоҳида ўрни бор. Улар ҳар бир олиб борилаётган машғулотда сафдошларига намуна бўлиб, Ватан посбони деган номга муносиб эканлигини амалда исботлашмоқда. Биз кичик командирлар эса уларга керак пайтда ёрдам қўлимизни чўзиб, тайёргарликнинг барча турлари бўйича ўз билим ва кўникмаларимизни ўргатиб келмоқдамиз. Ахир, дала-ўқув машғулотлари, синовлар улар учун янгилик. Бизнинг вазифамиз эса уларнинг ҳарб илмини пухта ўзлаштиришларига кўмаклашишдир. Ўқув мавсуми давомида посбонларнинг бир-бирини тушуниб, жанговар вазифаларни биргаликда уддалаши жамоани фақат ғалабага етаклайди. Ўқув мавсумида ғалабани кўзлаб, унга интилиш асл фидойи посбонларга хос хислатдир.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дилшод СИДДИҚОВ.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ

МУҲИМ МАВЗУЛАР КУН ТАРТИБИДА

Бугун Шимоли-ғарбий ҳарбий округ хотин-қизлар кенгаши ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирокида ўзининг навбатдаги йиғилишини ўтказади.

Тадбир иштирокчилари округ хотин-қизлар кенгаши раиси Қуролли Кучлар хизматчиси Шоҳида Усмонованинг «Аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли», ҳарбий оилалар билан ишлаш бўйича қисм йўриқчиси Қуролли Кучлар хизматчиси Улмекен Генжемуратованинг «Ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг маънавий дунёқарашини бойитиш ва унинг ижобий натижалари» деб номланган маърузаларини тинглайдилар.

Ташкилотчилар маърузалар сўнгида фарзанд тарбияси, интеллектуал салоҳиятни ошириш, маданий-маърифий ҳордиқ, яхши қўшничилик каби мавзуларда ўзаро фикр алмашиш, дилдан суҳбатлашишни ҳам режалаштиришган.

Капитан Бахтиёр ШОМУРОДОВ,
гарнизон офицерлар уйи бошлиғи.

Тошкент ҳарбий округи

ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Маълумки, ўқув йили «Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш» –шиори остида ўтмоқда.

Бизнинг ҳарбий жамоамиз посбонлари ҳам ўз бурчларини ана шу шиор ҳамоҳанглигида сидқидилдан бажаришга аҳд қилганлар. Айни кунларда барчанинг диққат-эътибори ўқув машғулотларини уюшқоқлик билан юқори натижалар намойиш этиб ўтказишга қаратилган. Ушбу мавсумда ҳам аҳил жамоамизнинг ютуқлари ўзига хос юксак даражада бўлиши шубҳасиз. Ўтган назорат синов машғулотларида кўрсатган натижаларимиз бизни шундай ишончли билан хизмат қилишга руҳлантирди.

Қизғин, масъулиятли дамлар энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллик кунини муносиб туҳфа юксак жанговар ютуқлар билан кутиб олишимизга замин яратмоқда.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нодир АБДУРАҲИМОВ.

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК АСОСИ

Юксак жанговар тайёргарликнинг асосий омилларидан бири мустаҳкам ҳарбий интизом ҳисобланади. Айни масъулиятли дамларда, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак ёзги мавсум ўқув машғулотларида қатъий тартиб-интизом ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимроқдир. Мустаҳкам интизом – муваффақият, ютуқлар гарови. Жамоаларнинг юксак жанговар қобилияти ўз навбатида мамлакат мудофаа салоҳиятини янада оширишга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Термиз ҳарбий прокуратураси округ тарбиявий ишлар бўлими билан ҳамкорликда «Ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда командирнинг вазифалари ва шахсий намунаси» мавзусида йиғин ташкил қилди. Йиғинда округ батальон командирлари иштирок этишди.

Ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда ҳуқуқ тартибот хизмати ходимларининг ҳам алоҳида ўрнилари бор. Ҳарбий жамоалар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, ҳуқуқий мавзуларда машғулотлар, давра суҳбатлари ташкил қилиш ўз ижобий самарасини бермоқда. Ўзбошимчалик билан хизмат жойини тарк этиш ҳолларининг учрамаслиги юқорида айтиб ўтилган ҳамкорлик самарасидир. Йиғинда маъруза қилган аллия подполковниги ҳарбий прокурор Ёркул Сафаров ана шулар ҳақида тўхталиб, командирнинг шахсий намунаси ҳам шахсий таркиб интизомининг юксалишида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди.

Йиғинда округ масъул офицери Шуҳрат Холмуҳаммедовнинг ҳам маърузаси тингланди.

Тадбирнинг ўтказилишидан мақсад ҳарбий жамоаларда юксак жанговар тайёргарлик гарови бўлган интизомни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифаларни белгилаб олиш ва йўл-йўриқлар кўрсатишдан иборат эди. Ишонамизки, савол-жавобларга бой, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган ушбу сермазмун тадбир моҳиятини тўла англаб етган иштирокчиларда шахсий таркибга айтиш учун янги бир фикр, мулоҳаза пайдо бўлгани шубҳасиз.

Аллия майори Анвар ЎТАЕВ.



Навстречу 15-й годовщине независимости

ВЕЛИКОЕ ДОСТИЖЕНИЕ НАШЕГО НАРОДА

Есть у нашего великого народа древнее крылатое выражение – «Здание, благополучно пережившее семь зим и семь лет, величественно простоит в веках». Мы сегодня на пороге 15-й годовщины независимости и можем уверенно сказать, что здание нашей независимости выдержало испытание временем и будет стоять прочно в веках как прекрасное и незыблемое творение нашего многонационального народа, воплощение заветной мечты наших предков и как надежная основа для его дальнейшего расцвета и укрепления могущества будущими поколениями.

С обретением независимости начался новый отсчет времени, новая эпоха. Но все, что было с народом в предшествующее время, – все остается с ним. Заглянув в историю, в глубь веков, проследив многовековой исторический путь, мы придем к сегодняшнему дню нашего **независимого Узбекистана – свободного демократического государства.**

Обозревая прошлое, нельзя не заметить, что в различные исторические эпохи в этнический ковер узбеков естественно вплетались многочисленные культурные нити их соседей: ближних и дальних. Эти этнические группы и составили единую многонациональную семью народов Узбекистана, которая на основе идеалов независимости настолько окрепла, что фактически стала базой, фундаментом мира и стабильности в стране и важнейшим фактором роста экономики, развития науки, культуры и искусства.

Каждый отрезок в истории памятен нам по-своему, но особенно дороги последние пятнадцать лет. В многовековой истории народа они занимают особое место, потому что каждый прожитый нами в этот исторический период день наполнен священным содержанием, воплощением в жизнь программной идеи построения правового демократического государства, гражданского общества, основные контуры которого начертал Президент Ислам Каримов – архитектор независимости, общепризнанный лидер нашего народа.

В преддверии 15-летнего юбилея мы можем уверенно сказать, что независимость – это великое благо для страны, для народа, для каждого человека.

В чем нашло свое выражение это великое благо?

Прежде всего в том, что на политической карте мира появилось независимое, демократическое государство – Республика Узбекистан. Мы утвердили наше право самим определять свою судьбу, самим использовать несметные богатства земли в интересах своего народа и будущего страны. Эти факторы стали определяющими в изменении политического сознания людей, у которых отношение к своей теперь уже независимой и свободной стране приобрело конкретный и отчетливый характер. Вместе с этим, мы глубже и острее стали воспринимать свое достоинство и стали более уверенными в своих силах по реализации намеченных задач и приоритетов.

Провозглашением независимости во главу угла, в основу общественного бытия были положены **интересы личности, нужды и заботы человека.** Это положение приняло законодательную форму и было закреплено в Конституции. Реформы, осуществляемые по инициативе главы нашего государства, переместив в центр социальной жизни человека с его интересами и заботами, стремлениями и проблемами, потребовали кардинального совершенствования и механизма духовно-нравственного воспитания наших людей, особенно молодого поколения. Ныне мы можем утверждать, что в сфере духовности и просветительства мы добились немалого. Расцвету личности активно способствуют успехи страны в сфере экономики, в развитии науки, культуры и искусства, образования и здравоохранения, массового развития спорта.

Нельзя не заметить, что **мы сегодня, как никогда, объединены и ощущаем себя единым и неделимым народом.** Мы сплочены идейно, объединены организационно и общественно-политически, живем по единым для всех, независимо от пола, расы, национальности, вероисповедания и социального положения человека, законам, базирующимся на общечеловеческих принципах и положениях свободной рыночной экономики. Идейная сплоченность, конкретные цели и приоритеты вдохновляют нас на самоотверженный труд во имя Отчизны, на свое благо и благополучие своей семьи. Народ Узбекистана, насчитывающий свыше 100 наций и народностей, – единая, дружная, сплоченная семья.

Великое благо независимости состоит и в том, что **мы – свободный народ.** В стране создана конституционная и правовая основа, внедрена новая система управления государством и обществом, функционируют новый двухпалатный демократический парламент, целая сеть государственных и общественных структур, стоящих на защите прав человека.

Наш великий предок Амир Темур не раз подчеркивал, что свобода там, где властвует закон. В нашей стране создано надежное правовое поле для трудовой и общественной деятельности граждан. И единственное, что требуется от гражданина, **чтобы быть свободным в стране, надо быть законопослушным.**

Независимость позволила нам поднять **к жизни огромный пласт мировой культуры,** обелить имена наших великих предков, еще недавно преданных забвению, среди которых Амир Темур и Имам аль-Бухари, Абу Насир и Фароби, Ат-Термези, Накшбанди, Яссави, Ахмад аль-Фаргони, Аль-Хорезми, Беруни, Бобур и многие другие, имена борцов национально-освободительного движения Абдуллы Кадыри, Фитрата, Чулпона, Бехбуди и Усмана Насыра. Независимость позволила нам возродить в нашей жизни исторические, национальные и духовные ценности и традиции, определить роль и место нашей священной религии в духовном становлении и развитии общества.

Немалым достижением независимости явилась **демократизация общественной жизни в стране.** Это нашло свое отражение не только в реформировании высших органов государственной власти, но прежде всего в последовательной и постепенной передаче ряда государственных функций общественным организациям и органам самоуправления граждан. В стране последовательно и неуклонно осуществляется концепция нашего общественно-политического реформирования: **«От сильного государства – к сильному гражданскому обществу».**

При этом процесс демократизации происходит постепенно, с учетом готовности народа к тем или иным формам демократического развития. Однако такой подход не устраивает некоторых идеологов западной демократии. Потому они пытаются насильственно экспортировать так называемую идеальную для всех стран и народов демократию в те страны, держать которые в своей сфере влияния по своим стратегическим целям они намерены. Отвечая на вопросы журналистов, глава нашего государства подчеркнул, что: **«...демократия в каждой стране имеет свое лицо, хотя при этом существуют общие законы демократии. Вместе с тем преломление некоторых демократических ценностей в государственной и общественной жизни происходит по-своему, с учетом менталитета, который складывался сотнями лет. Можно это не принимать, но понимать и уважать необходимо».** Наши западные оппоненты, однако, не устают следовать своим излюбленным методам двойных стандартов.

За годы независимости сформировался наш, сугубо узбекистанский образ жизни, в котором четко прослеживаются свои черты и свои особенности. Важнейшей из них является прежде всего верность народа идеям независимости. Эти идеи четко сформулированы Президентом страны в его трудах и закреплены в Конституции Республики Узбекистан. Независимость – это наше великое благо, завоеванное трудом народа, который шел к ней через годы, через трудности. **Это сегодня самое дорогое, что есть у нас и что нас всех объединяет в борьбе за светлое будущее, за общество демократии и социальной справедливости.** И, естественно, для гражданина страны, который носит армейскую форму, является воином Вооруженных Сил Республики Узбекистан, нет выше долга, как защищать свою независимую Родину, быть надежным стражем страны, беспредельно преданным народу и Президенту.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Битирув – 2006

НИЯТ УЛУҒ – КУНЛАР ҲАМ ҚУТЛУҒ

Саф майдонини тўлдириб турган ўктам ўғлонларга, тинчлик посбонларига ёшу қари, каттаю кичик ҳавас билан қарашмоқда. Ахир улар – бугуннинг қаҳрамонлари. Она Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш, ҳурлик, озодлик деган илоҳий неъматни жондан азиз билиб асраш-авайлаш ушбу мард йигитлар учун аллақачон ҳаёт мазмунига айланган. Метин сафларга қўшилганлари, йиллар давомида ҳарб илмидан сабоқ олганлари, ҳар томонлама чиниқиб тобланганлари ҳам шундан. Ниятлари, мақсадлари улуғ бўлганидан қутлуғ, шодиёна кунларни қарши олиб, ҳурмату эътиборга сазовор бўлишмоқда.

Ҳа, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган битирув тантаналари барча иштирокчиларнинг қалбига олам-олам қувонч бағишлади, бир умрга унутилмас хотирага айланди.

Мана, орзиқиб кутилган лаҳзалар ҳам етиб келди. Билим юрти бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи офицер Муҳиддин Байбусов Мудофаа вазири Р.Мирзаевга шахсий таркибнинг битирув тантаналарига ҳозирлиги ҳақида ҳисоб бергач, тадбирнинг асосий қисми бошланди. Мудофаа вазирининг битирувчи курсантларга лейтенантлик унвони берилганлиги ҳақидаги махсус буйруғи ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг давлат ва жамоат арбоблари, Мудофаа вазирлиги, Чегара ва Ички қўшинлар раҳбар ходимлари битирувчиларга тантанали равишда диплом ва кўкрак нишонларини топширдилар. Мудофаа вазири офицерлик мартабасига эришган ўғлонларни ушбу қутлуғ кун билан муборакбод этиб, уларга Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган сифат ўзгаришлари, янгиланишлар, командирлик масъулияти, Юртбошимиз, давлатимиз томонидан ҳарбийларга кўрсатилаётган юксак эътибор, имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтар экан, жумладан шундай деди:

– Ўртоқ лейтенантлар! Энди билим юртингиз, ҳарбийларимиз, Қуролли Кучларимиз шуҳратига шуҳрат қўшишингиз, фидойи, ҳалол, юртга муносиб офицер сифатида қўл остингиздаги ҳар бир аскар, сержантга ғамхўр, меҳрибон бўлишингиз, уларни севишингиз керак. Чунки улар энг мураккаб, энг қийин жанговар хизмат вазифаларининг бевосита ижрочилари ҳисобланишади. Ишониб топширилган ҳарбий жамоа зиммасидаги муҳим вазифалар ижроси, муваффақияти энг аввало сизнинг ташкилотчилигингизга, шахсий таркибни қандай уюштиришингизга бевосита боғлиқдир.

Сизларга, оила аъзоларингизга келгуси фаолиятларингизда улкан муваффақиятлар тилайман. Зарҳал погонларингизда порлаб турган юлдузлар доим юксак марралар сари етаклайверсин!

Мартабали меҳмон томонидан (ўзаро мулоқот пайтида) ёш лейтенантлар бир овоздан билим юртининг энг фидойи, энг билимдон ўқитувчиси, цикл бошлиғи дея эътироф этишган подполковник Мамасоли Ҳамроқуловга, шунингдек, учинчи ўғли ёш лейтенант Отабек Ҳожиматов ҳам ушбу ҳарбий ўқув маскани муваффақият билан тугатган Нодира опа Иноятовага тантанали равишда «Мудофаа вазири эсдалик нишони»нинг топширилиши гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди, мукофот эгаларига, йиғилганларга катта хурсандчилик бахш этди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Светлана Иномова, Миллий Хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари, Чегара қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Илҳом Ибрагимовлар ҳам табрик учун сўзга чиқиб, бугунги кунда энг шарафли касбга айланган ҳарбийлик, ёшлар, юрт посбонлари олдида турган муҳим вазифалар, талаблар, асрлар давомида аждодларимиз муқаддас билиб келган шонли анъаналар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар, юксак парвозларга шайланиб турган ўғлонларга ўзларининг эзгу тилакларини, насиҳатларини билдирдилар.

Ёш офицерларнинг ота-оналари – Миркурбон ака Абдураимов, Нодира опа Иноятоваларнинг, битирувчилар номидан сўзга чиққан лейтенант Жамшид Ғаппаровнинг дил изҳорларини, қутловларини ҳам тантана иштирокчилари катта қизиқиш билан тингладилар.

Барча жўр овозда Давлат мадҳиясини ижро этгач, ёш офицерлар билим юрти билан хайрлашдилар, жанговар мусиқа садолари остида шахдам қадамлар билан минбар олдидан ўтдилар.

Тантаналар билим юрти ҳарбий оркестри, Фахрий қоровул взводи, қўл жанги усталари гуруҳининг кўргазмали чиқишлари, «Булбулча» болалар ансамбли ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар, рақсларга уланиб кетди. Байрамона тадбир Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, МХХ Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбллари тайёрлаб келишган қўшма концерт дастури билан ниҳоясига етди.

Мустақил Ватанимизни, халқимизни, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, уни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Бу бурчни юракдан ҳис қилган, англаганлар эса шак-шубҳасизки, энг эътиқодли, садоқатли инсонларга айланадилар. Ажойиб тантана сабабчилари бўлмиш ёш лейтенантларга ҳам юксак эътиқод, садоқат доим қўшқанот бўлсин!

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ

Пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хиёбони» хотира майдонида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг навбатдаги битирувчиларига диплом топшириш тантанаси бўлиб ўтди.

Тадбирни факультет тарбиявий ишлар бўлими офицери Абдуллахон Темиров кириш сўзи билан очаркан, ўз мутахассисликлари бўйича Қуролли Кучларимизнинг турли қисм ва муассасаларида хизматни ўташга йўлланма олган ёш офицерларнинг келгуси фаолиятларига омадлар тилади.

Тантанада Мудофаа вазирлигининг масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар махсус факультетнинг битирувчилари миллий армиямиз қудратини юксалтириш қобилиятига эга кадрлар бўлиб етишганлигига, ўз бурчларини шараф билан ўташларига юксак ишонч билдирдилар ва уларга муваффақиятлар тилашди.

Битирувчилар номидан сўз олган ёш офицер Бахтиёр Дадабоев ўзларига беш йил давомида сидқидилдан билим берган устоз-мураббийларга шахсан ўзи ва сафдошлари номидан миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишончларини оқлаш йўлида бор билим ва имкониятини ишга солишини таъкидлади.

Юксак чўққилар сари қанот ёзишга шайланаётган ёш офицерларни қутлаш учун ташриф буюрганлардан кимдир ўғли, яна кимдир ака ёки укасини бағрига босиб қувончларини изҳор этарди.

– Ўғлимизнинг қувончига шерик бўлиш учун битирув тантанасига Андижондан атайин келдик, – деб гап бошлади битирувчи Баҳодир Раҳматуллаевнинг отаси Қурбонали ака Раҳматуллаев. – Ўртанчам Баҳодир ёшлигидан ҳарбийликка қизиқиши сабаб шу соҳани танлади. Насиб бўлса, қолган фарзандларим ҳам акалари изидан боришади. Мен нафақат ўғлим, балки у билан бирга таълим олган сафдош дўстлари ҳам келгусида армиямиз таянч устунларидан бўлиб етишишига ишонаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, махсус факультетнинг бу йилги битирувчилари орасидан кўпчилигига имтиёзли дипломлар топширилди. Бу эса факультетнинг тажрибали мураббийлари берган билим ва кўникмалар, саъй-ҳаракатлар беҳуда кетмаганлигидан, курсантларнинг интилувчанлиги, интеллектуал салоҳияти юксалаётганидан далолат. Ишонамизки, ёш лейтенантлар келгуси фаолиятларида Ватан олдида ўз бурчларини ҳалол адо этиб, халқ ишончини тўла-тўкис оқлаб, мустақил Ўзбекистоннинг муносиб ўғлони бўлиб етишадилар.

Даврон МУТАЛОВ.

ЛОЧИНЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ПАРВОЗИ

Мустақил Ватанимиз сарҳадлари ва мусаффо осмонимиз тинчлигини сақлашда ҳарбий учувчиларнинг хизмати катта. Улар куну тун халқимиз осойишталиги, юртимиз осудалиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда маҳоратли ҳарбий учувчиларни тайёрлаб бераётган, мустақиллигимиз меваси бўлмиш, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти барчамизнинг фахр ва ғуруримизга айланган.

Куни кеча Жиззахнинг мустақиллик майдонида олий ҳарбий авиация билим юртининг навбатдаги битирувчиларига унвон ва диплом топширишга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Унда қўмондонлик ва билим юрти офицерлари, ёш лейтенантларнинг ота-оналари, ёру-дўстлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Митингни Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони генерал-майор Абдулла Холмуҳаммедов кириш сўзи билан очиб, ёш лейтенантларга самимий тилаклар билдирди ҳамда келгуси хизматларида омадлар тилади.

Шундан сўнг сўзга чиққан масъул офицерлар Олим Эрматов, Абдуғани Ҳамидов, ота-оналардан истеъфодаги полковник Шароф Ёдгоров, Шарофат Йўлдошева, уруш ва меҳнат фахрийси Эркабой Исломов ва Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ғофур Қаршибоевлар битирувчиларни қувончли кунлари билан табриклаб, ўзларининг эзгу ниятларини билдиришди.

– Мустақиллик шарофати билан ташкил қилинган билим юртимиз замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради, – дейди офицер Олим Эрматов. – Йилдан-йилга билим юртимиз курсанти бўлишни истаётган йигитлар сони кўпайиб бормоқда. Мана, бугун биз навбатдаги битирувчиларни Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга кузатяпмиз. Ўйлайманки, келажакда улар бизнинг ва халқимизнинг ишончини албатта оқлайдилар.

Бугун ёш лейтенантлар шарафли касб эгалари бўлишди. Улар миллий армиямиз сафига қўшилишди. Устидаги ҳарбий либосни кўриб, кишининг кўзи қувнайди. Айниқса, ота-оналарнинг хурсандчилиги чексиз.

– Ўзимни дунёдаги энг бахтли оналардан бириман десам, хато қилмайман, – дейди биз билан суҳбатда ёш лейтенант онаси Ҳофиза Солиева. – Она учун фарзандининг қувончини кўришдан катта бахт бўлмаса керак. Ўғлим Руслонжон ёшлигидан ҳарбий бўламан дерди. Борабора учувчиликка ҳавас қўйди. Билим юрти курсанти бўлганида бир қувонган бўлсам, ҳозир ўзига ярашиб турган ҳарбий либосида, кўксига босиб турган имтиёзли дипломига қараб минг қувондим. Ватан, халқ корига ярайдиган ўғлим борлигидан фахрланаман.

Имтиёзли диплом соҳиби бўлмиш лейтенант Хуршиджон Акрамов шундай дейди:

– Аввало, билим юртидаги устозларимга миннатдорчилик билдираман. Бугун болаликдаги орзуимга етдим. Мустақил Ўзбекистонимнинг офицери бўлиш мен учун шарафдир. Авиация муҳандиси сифатида, устозларимдан олган билим ва маҳоратимни ишга солиб, улар ишончини оқлашга, Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини сақлаш йўлида виждонан хизмат қиламан.

– Мен жуда ҳаяжондаман, – дейди ёш лейтенант Суҳроб Эшонқуловнинг умр йўлдоши Феруза Норбоева. – Турмуш ўртоғимнинг шундай шарафли касбни танлаганидан ғурурланаман ва унинг Ватанимизга муносиб ҳимоячи бўлишида ўз ҳиссамни қўшаман.

Яна шуни айтиш жоизки, офицер Равшан Бобохонов раҳбарлигидаги билим юртининг ҳарбий ансамбли ижро этган куй ва қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Маросимнинг мустақиллик майдонида ўтказилгани ҳам бежиз эмас, бунда армия ва халқ якдиллиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Шубҳасиз, тадбир ёш лейтенантлар ва уларнинг яқинлари ёдида бир умр унутилмас воқеа бўлиб қолажак.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

«ЙЎЛИНГИЗ ОҚ БЎЛСИН, АСЛ ЙИГИТЛАР»

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситаси ходимлари, ота-оналар ҳамда бошқа меҳмонлар иштироқ этишди.

Эрта тонгдан билим юрти ҳовлиси битирувчиларни қутлаш ва қувончли кунида уларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш учун узоқ-яқиндан келган ота-оналар, дўст-биродарлар ҳамда бошқа яқинлар билан гавжумлаша бошлади. Тўрт йил давомида ҳарбу зарб илмини пухта ўрганган кечаги курсант – бугун эса лейтенантга айланган ёш офицерлар ҳамда билим юрти шахсий таркиби кўрган кўзларни яшнатиб, майдон узра саф тортдилар. Ўктам ўғлонларга ҳавасла тўймай боқишаркан, тўпланганлар уларни олқишлашарди.

Ниҳоят, тадбир очиқ деб эълон қилинди ва билим юрти бошлиғининг ўринбосари офицер Дониёр Исмоилов жанговар сафларга йўл олаётган ўғлонларнинг ҳар бири қайси ҳарбий қисмда ва қандай вазифага тайинлангани ҳақидаги Мудофаа вазирининг буйруғини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг тантанали равишда битирувчиларга диплом ҳамда кўкрак нишонларини топшириш бошланди. Қувонарлиси шундаки, бу йил битирувчилар орасида имтиёзли диплом соҳиби бўлганлар салмоқли ўрин тутди. Уларни қутлаб сўзга чиққанлар эса қанот ёзган лочинларнинг шарафли ва масъулиятли офицерлик фаолиятларига омадлар тилашди. Айниқса, битирувчи Исломхўжа Шоисаевнинг нуроний бувиси Маърифат ая Зиядова, билим юртини имтиёзли битирган лейтенант Аваз Эрназаровнинг отаси Рўзмат ака Эрназаров, Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари – шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова, Марказий ҳарбий округи қўмондони полковник П.Эргашевларнинг табрик сўзлари иштирокчиларни чуқур ҳаяжонга солиб, қалбларига олам-олам таассурот бағишлади.

– Мен бу шодиёнани кун санаб кутган эдим, азиз фарзандларим, – деди Маърифат ая ўз сўзида. – Набирам Исломхўжа курсантликка қабул қилинганда ҳам, Ҳарбий қасамёд қабул қилиб чин азаматлар сафидан ўрин олганда ҳам иштирок этиб, қувончидан бахраманд бўлгандим. Шукрки, битирув тантанасига ҳам соғ-саломат етиб келдик. Набирам ва унинг барча сафдошларига юртимиз оналари, бувилари номидан оқ йўл, омадлар тилашдан бахтиёрман. Ватанимиз тинчлигини, юртдошларимиз осойишталигини асраб асло толманг, азиз ўғлонлар. Сизлар борки, турмушимиз гўзал, ҳаётимиз осуда. Бурчларингизга содиқ, аҳдларингизга вафодор бўлинг. Биз доим дуодамиз, – деди онахон кўзларида севинч ёшлари билан.

Онахон, шунингдек, эгнига офицерлик либосини илиш бахтига муяссар бўлган набирасини икки кундан кейин уйлантирмоқчи эканини ҳам айтиб, ҳаммани тўйга таклиф қилишни ҳам унутмади. Эндигина офицер бўлиш бахтига муяссар бўлган Исломхўжа эса зиммасидаги масъулият янаям ортаётганини ҳис қилиб улуғворлик билан боқиб тураркан, кўз қарашларида «мен юрт фарзандиман!» деган ифода уфуриб турарди.

– Фарзандим боғча ёшидаёқ мардлар касби ҳарбийликка қизиқарди, – дейди Бухоро вилоятидан келган яна бир муҳтарам онахон Шоира опа Холмуродова офицер ўғли Мирсанд Шукуровнинг гўдаклигида ҳарбий либосда тушган суратини сумкасидан олиб кўрсатаркан, тўлқинланиб, – Мана, бугун у билим юртини имтиёзли диплом ва олтин медаль билан битирди. Жигарбандининг муваффақиятидан шодланган барча оналар каби мен ҳам беҳад хурсандман. Ҳаяжонланганимдан тилимга жўяли сўз ҳам келмаяпти. Аммо юрагимда унга ва дўстларига аталган эзгу дуоларим бисёр. Илоҳим кўз тегмасин.

Фарзандини қувончли кунида қутлаш учун Бухорои шарифдан турмуш ўртоғи Тоҳир ака Шукуров ҳамда икки гўзал қизалоғи, яъни лейтенант Мирсанд Шукуровнинг сингиллари Ҳаётхон ҳамда Дилноралар билан етиб келган Шоира опадан бахтли киши йўқ эди бу дам, назаримда. Олган билимларини хизматга тадбиқ этишга шайланаётган Мирсанд эса ҳам ғурур, ҳам масъулият билан мардона боқаркан, келгуси фаолиятида ҳам доим илғор натижаларга интилишини билдирди. Хуллас, битирув тантанаси ҳақиқий шодиёнага айланди. Билим юртининг ҳарбий оркестр жамоаси томонидан тақдим этилган ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлар ҳам тўпланганларга роса манзур бўлди. Тадбирда Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов ҳам иштирок этди ва сўзга чиқди.

Катта лейтенант Шоҳрух КОМИЛОВ.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ҲАРБИЙНИНГ БИР ШОИРИ

Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан «газетамизга подполковник Абдураззоқ Обрўев ҳақида мақола ёзаман», дея шижоат кўрсатган бўлдим. «Бир неча йилдан бери танийман, қолаверса, ҳар куни салом-аликмиз. Бу ижодкор ҳақида ёзиш менга чўт эмас», дея фикрлаб бироз хато қилибман. Танамга ўйлаб кўрсам, анчайин масъулиятли, мураккаб иш. Ахир, Абдураззоқ ака ҳақида шунчаки ёзиб ташлаб бўлмайди-да. Подполковник Обрўев Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони билан тақдирланган.

Абдураззоқ Обрўевни Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилиш учун бўлиб ўтган йиғилишда мен ҳам қатнашганман. Қаҳрамон шоиримиз, халқимизнинг севимли фарзанди Абдулла Орипов самимий дил сўзлари айтиб, «Абдураззоқ Обрўй шоирлар ичида биринчи генерали бўлса ажабмас», деганди ҳарбийлигига ишора қилганча. Яхши биламиз, Абдулла ака ҳамма ҳақида ҳам бунақа гаплар айтавермайди. Ижодига, инсонийлигига меҳри тушганидан, бу.

Эътибор бериб қарасам, мазкур йиғилишга халқимиз назаридаги кўплаб шоир, ёзувчилар келишган экан. Ҳатто улардан бири уюшмага аъзоликка қабул қилингани билан табриклаб туриб, «фақат бизнинг шеърларни пародия қилманг», деди мийиғида кулганча. Бунга жавобан Абдураззоқ аканинг кўнглидан «менга мавзу бўладиган шеър ёзманглар-да», деган ўй ўтгандек бўлди, назаримда.

Маълумки, бу ижодкор пародиялари билан адабиётимизга беқиёс улуш қўшиб келмоқда. Унинг пародияларини ўқиб, яйраб, думалаб кулишингиз мумкин. Аммо моҳият бунда эмас. Гап пародиялар орқали адабиёт бўстонида шунчаки «деҳқончилик» қилмоқчи бўлганларни, шу йўсиндаги машқларни ҳажв қилишда. Ҳатто унинг пародиялари бир-иккита қаламкашга қаттиқ таъсир қилганини биламан. Таҳририятга важоҳат билан келишлардан, телефон орқали бўлган дўқ-пўписалардан, ҳалигача гина-кудурат қилиб юрганлардан озми-кўпми хабардорман. Таниқли шоирлардан бири «автоматдан қандай отишини билмадиму, сўзлар ўқидан нишонга бехато уради», деганида гапнинг пўсткалласини айтганди. Унинг пародияларига мухтасар қилиб шундай баҳо бериш мумкин.

...Ҳофиз Шерозий ўз вақтида аёлнинг қаро холига Шарқ гавҳарлари бўлган шаҳарларни «совға» қилиб юборган. Аёлнинг сочини шаршарага қиёс қилиб ёзилган ашъорларни биламан. Шоирман дегани борки, аёлларнинг ҳали қошу кўзини, ҳали лабини мақташадими-ей.

Ҳажвчи, Абдураззоқ Обрўй бу борада «оригинал»ликка эришди. «Сенларни бир чангимда қолдирай», дедими, хуллас, ўзигача аёлларни таърифтавсиф этган ижодкорларнинг хаёлига келмаган бир «кашфиёт»га қўл урди. Ҳа, ҳа жиддий айтяпман. «Аёлнинг қулоғи» дея номланган китобини нашрдан чиқарди. Ҳатто баъзи ижодкорлар нега бизнинг хаёлимизга аёлнинг қулоғига бағишлаб китоб ёзиш фикри келамади-я, деган изтиробда юрганмиш... Ҳа, муаллифнинг ҳар бир китоби, мақоласи, шеъри ҳақида нимадир дейиш мумкин. Тўғри, аксарият китоблари ҳажвий жанрларда ёзилган. Масалан, «Ҳўплам-тўплам», «Бўйдоқ аскар», «Ҳиринг-ҳиринг», «Тухумнинг қудрати» номли китоблари ўзига хос кулгу гулдасталари сифатида китобхонларга тақдим этилиб, уларнинг меҳрини қозонганди. Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллигига бағишланган «Сев, авайла, асра Ўзбекистонни» номли китоби орқали эса унинг нафақат шоир, ҳажвчи эканлигини, балки моҳир журналистлигини ҳам кашф этасиз.

«Ватанпарвар»гача журналист сифатида Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Муштум» журнали, «Савдогар» газеталарида ишлаган. Қатор публицистик мақолалари, очерклари билан ҳурмат-эътибор қозонган. Аммо ҳарбий журналистика соҳасида фаолиятини давом эттириб, ижодида янги қирралар очди. Ҳарбийлар жанговар қалам соҳибининг кўплаб мақола ва очеркларини доимо мароқ билан сўзлашади. Ахир, ёзганларидан Ўзбекистонидан, миллий армиясидан фахрланиш, ғурурланиш уфуриб туради-да. «Етти йилнинг етти қувончи», «Ҳаловатли кунлар», «Бугунги армиянинг бугунги аскари», «Эломон — эл фарзанди», «Ватанни ҳимоя қилиш — мардлар иши» кабилар шулар жумласидан.

Абдураззоқ ака билан ҳарбий хизматчилар ўртасида бўлган учрашувларда кўп бора иштирок этганман. Қанақанги байрам, тантана бўлмасин, уни тадбирларга таклиф қилишади, посбонларимиз. Ҳар қанча,қизиқарли, муҳим бўлмасин, айрим маърузалар меъдага тегиши мумкин. Аммо мақоламиз қаҳрамонининг суҳбатидан зерикканларни кўрмаганман. У жиддий мавзуда суҳбат қилаётган бўлса ҳам ҳажв орқали бироз «дирижировать» қилади, қўяди. Ижодий учрашувларда-ку ашаддий мухлисларга айланганлар янги пародия, янги латифадан эшитмагунча уни қўйиб юборишмайди. Шундай пайтларда ҳатто минбарга, саҳнага чиқаётгандаёқ аудиторияда хуш кайфият пайдо бўла бошлаганини сезганман. «Қувноқлик ўзидан ҳам олдинда юрса керак», дейман бу ҳолни ўзимча изоҳлаб.

«Ватанпарвар»да уни кўпчилик устоз дейди. Бу сўзни шунчаки айтадиганлардан кўра, меҳр билан лутф қиладиганлар кўп. Ўзиям таҳририятга ҳаммадан барвақт келишга одатланган. Ишга келганимда уни кўпинча ижод устида кўраман. «Тушингизга редакция кирдими, устоз?» қабилидаги саволимга «Эрталабки ижод бошқача-да», дея жавоб бериб, сиёҳи қуримаганидан «илинади». «Ватанпарвар»да ёзилган кўплаб шеър, пародия, ҳажвия, мақолаларнинг биринчи ўқувчиси ўзимиз бўламиз.

– Яқинда телевизорда машҳур ёзувчилардан бирининг дунёни сўз қутқаради, дея айтган фикри мени жуда таъсирлантирди. Бу оддийгина ҳақиқатнинг замирида жуда катта гап бор. Бугун инсоният шуни англаб етмоқдаки, дунёни маънавият, маърифатгина қутқара олади...

Узоқ ўйга толганча ана шу фикрларни айтди, Абдураззоқ ака. Очиғи, бу фалсафа унинг ҳаётига ҳам сингиган. У сўз орқали Ўзбекистони тақдири, дунё тақдирига бефарқ эмаслигини ёниб айтиб келмоқда. Сўз орқали жаннатмакон юртига, бағрикенг халқига бўлган ишқини баралла мадҳ этиб, «дунёда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!», демоқда. Сўз орқали юртдошлари қалбига, ёшларимиз юракларига Ватанга бўлган муҳаббатни сингдиришга уринмоқда. Подполковник Абдураззоқ Обрўевнинг ҳаётда йўқотганларини билмадиму, топганларининг мен билган қисқача баёни шу.

Майор Алижон САФАРОВ.

Ўқув машғулотлари

СИНОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИШДИ

Эрта тонг. Атрофда жимлик ва сокинлик ҳукмрон. Кўпчилик ширин ва осуда уйқуда – кунни янги режалар, ғайрат билан қарши олиш, куч йиғиш мақсадида ором олмоқда... Ҳарбий аэродромда эса фаолият қизғин паллага етган. Авиация техник, муҳандислари ҳадемай само узра парвоз қилажак самолёт ва вертолётларга турли кўринишдаги хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳолати ва учишга тайёрлигини обдон текшириш, барча мосламаларнинг созлигини назорат қилиш каби учишолди зарур чора-тадбирларини амалга ошираяптилар. Зеро, ҳар қандай носозлик ҳам парвознинг кўнгилли ўтиши, қўйилган жанговар вазифанинг аниқ ва сифатли бажарилиши, қолаверса, учиш-тактик ўқув машғулотларига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳа, бу айнан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшилма ва ҳарбий қисмлари ўртасидаги учиш-тактик ўқув машғулотларини якунловчи кундир. Демак, кўрилган тайёргарлик, барча саъй-ҳаракатлар якуний натижа – қўйилган жанговар топшириқнинг бехато бажарилишига қаратилган.

Мана, ўқув машғулотлари раҳбари томонидан фазо сарлочинларига «учувчи тулпор»ларини эгарлашга буйруқ берилди. Сўнгги назорат ва текширувдан кейин қисқа фурсат ичида самолётлар белгиланган объект – шартли душман томон ҳаво кенгликлари орқали йўл олди.

Орадан маълум вақт ўтгач, тоғли ҳудудларда жойлашган шартли душман бутунлай яксон этилганлиги тўғрисида хабар олдик. Демак, лочинлар бехато ва аниқ ҳаракат қилишди ҳамда билдирилган юксак ишончни бу сафар ҳам оқлашди. Ҳарбий аэродромга учиб келаётган самолётларни кузатар экансиз, ич-ичингиздан фахр ва ифтихор туйғуси жўш уриши муқаррар. Ахир, осмонимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилаётган азаматлар, ишониб топширилган жанговар техникани моҳирона бошқараётган учувчиларимиз билан ғурурланмай бўладими?!

– Учиш-тактик ўқув машғулотларидан кўзланган асосий мақсад, – дейди авиация муҳандислик хизмати катта муҳандиси офицер Мадаминжон Толипов, – ҳарбий учувчилар, авиация муҳандислари ва техникларнинг жанговар шайлигини синовдан ўтказиш, тайёргарлик даражасини аниқлаш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, қолаверса, ҳарбий авиацияни ўқув шароитида жанговар қўллаш борасидаги тажрибаларини орттиришдан иборатдир.

Шу ўринда учиш-тактик ўқув машғулотларида юқори кўрсаткичларга эришган Ватан ҳимоячиларини тилга олиб ўтиш жоиз. Учувчи офицерлар – Аҳмад Турсунов, Омад Ғофуров, Даврон Жаҳоналиев, Ғофур Бобоалиев шулар жумласидандир. Муҳандис офицерлар Комил Умматалиев, Нурмирзо Каримов, шунингдек, техник офицерлар – Фарҳод Рўзматов, Ҳасанбой Эргашев, Рустам Азизовлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашуви билан ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтишига муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Маълумки, турли машғулотларда посбонлар билим оладилар, кўникмалар ҳосил қиладилар. Ўқув машғулотларида эса, буларнинг бари синовдан ўтади. Ютуқлар эътироф этилса, камчиликларни бартараф қилиш борасидаги йўл-йўриқлар, кўрсатмалар белгиланади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, юқоридаги учиш-тактик ўқув машғулотларида иштирок этган соҳа мутахассислари синовлардан муваффақиятли ўтишди. Эришилган натижа ва кўрсаткичлар фикримиз далилидир.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Қуролли Кучлар Академиясида

САРДОРЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Истиқлол меваси бўлган Қуролли Кучлар Академиясида штаб офицерларини тайёрлаш олий курсини тамомлаган навбатдаги битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топшириш тантанаси бўлиб ўтди. Уни Академия бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор А.Қамбаров кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Тадбирда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов ҳам иштирок этди ва битирувчиларни табриклаб, сўзга чиқди. Шунингдек, сардорларга сабоқ берган профессор-ўқитувчилар ҳамда илғор битирувчиларни рағбатлантириш тўғрисидаги Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига мувофиқ, тегишли офицерларга эсдалик нишонлари, пул мукофотлари ҳамда миннатдорчиликлар билдирилди. Битирувчиларни табриклаб сўзга чиққан Академия бошлиғи генерал-майор Ф.Усмонов ўз хизмат жойларига йўл олаётган офицерларга оқ йўл тиларкан, уларнинг олган билимларини хизматга тадбиқ этишларига қатъий ишонч, келажакда эса Академияда яна учрашишга самимий тилак билдирди.

Ўз мухбиримиз.

Сафда ёш аскарлар

МАРДЛИК МАКТАБИГА МУНОСИБ



Миллий армиямиз сафидан резервга бўшатилган посбонлар ўрни айни дамда йигитлик бурчини ўташга ҳар томонлама муносиб ўғлонларимиз билан тўлдирилди. Ёш аскарларга эътибор бераман. Улар ўзини тутиши, берилган саволларга қатъий ва аниқ жавоб қайтариши билан тажрибали посбонлардан қолишмайди. Бунга сабаб битта. Аввало улар ҳарбий ҳаётга юқори синовлардан ўтиб, иштиёқ билан кириб келишган. Шунингдек, уларга дастлабки ҳарбий сабоқ сирларини эгаллашда энг тажрибали офицерлар устозлик қилишмоқда. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эслаш кифоя: «Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор».

Бу даъват айни дамда амалда ўз эътирофини топаётганига гувоҳмиз. Фикримизни оддий аскар Жўрабек Бобоев мисолида изоҳлай қолайлик. Мотоўқчилар ҳарбий қисмида йигитлик бурчини ўтаётган ёш аскарнинг хизмат бошлаганига икки ойдан зиёдроқ вақт ўтди. Бироқ посбонни янги ўқув йилининг очилиши маросимидаги тантанада шахсий таркиб олдида сўзлаган нутқини эшитиб тўлқинланиб кетдим. У билан алоҳида суҳбатлашишга қарор қилдим. Ёш аскар ҳар бир саволга қатъий ва равон жавоб қайтарар экан, ўтган қисқа муддат ичида унда ҳарбийларга хос нутқ маданияти таркиб топганига, ўзига нисбатан ишонч ва талабчанликка эга бўлганига ишонч ҳосил қилдим.

– Ёш аскарлар йиғинида менга ҳарбий хизматнинг илк сабоқларини ўргатган офицер Зафар Фармонқуловдан миннатдорман, – дейди Жўрабек устозлари ҳақида. – Ҳарбий ҳаётга кўникиш, саф тайёргарлиги машғулотларини мукаммал эгаллаш ва армия ҳаётидаги ҳар бир жараёнда фаол бўлишимиз учун йиғиндаги барча командирлар ўз меҳнатини аямади. Ҳозирда эса взвод командиримиз офицер Шавкат Сармонқулов етакчилигида назарий ва амалий машғулотларни иштиёқ билан бошлашга шай турибмиз. Менга пулемётчининг ёрдамчиси бўлиш ишониб топширилди.

Ёш аскарнинг муддатли хизматга қадар бўлган фаолияти билан қизиқдик. Суҳбатдан маълум бўлишича у Ўзбекистон миллий университетининг сиёсатшунослик бўлимини тугатган. Бундай кўриниб турибдики, посбоннинг дунёқараши кенг, маънавий етук, интеллектуал салоҳиятда устунлиги бежиз эмас. Бундай ўғлонларимиз шубҳасизки, хизмат давомида замонавий ҳарб илмини мукаммал ўзлаштиришга астойдил ҳаракат қилишади. Ҳарбий жамоанинг нуфузини кўтаришда доимо етакчи бўлишади.

Шу ўринда юртимизга муносиб фарзанд улғайтирган Жўрабекнинг ота-оналари ҳақида ҳам тўхталишни ўзимизга лозим топдик. Зеро, фарзанд камолида бу улуғ зотларнинг ўрни беқиёс. Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманига қарашли Жийдали қишлоғида истиқомат қилувчи Рўзи ака ва Ойсанам опалар кенжа ўғилларини хизматга кузатишаётганда энг эзгу тилакларини дуоларига жо қилишгани аниқ. Ўғлонлари эса кутилганданда зиёда ишончларини оқлайди, шубҳасиз.

Ҳарбий хизмат доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби бўлиб келган. Оддий аскар Жўрабек Бобоев сингари ёш посбонлар бу мактабнинг ҳақиқий эгалари, муносиб ўғлонлари бўлишига ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Хизмат жойим – сафарбарлик чақируви резерви

МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Ҳарбий хизматни адо этиш эр йигитда нафақат жисмоний етуклик ва жанговар кўникма, балки маънавий баркамоллик, ўзига ишонч туйғуси, мустақил фикрлаш, қатъият ва собитлик каби эзгу фазилатларни ҳам шакллантиради. Ислоҳотлар сабаб, бугун миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчини адо этаётган ўғлонларимиз келажак ҳаёт йўлларидаги муҳим пойдеворга тамал тоши қўйишмоқда, десак хато бўлмайди. Хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятлар, фарзандларнинг ҳар томонлама мукаммал етилишлари нафақат аскарликка чақирилувчиларни, қолаверса, уларнинг ота-оналарини ҳам беҳад қизиқтирганидан жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларига улар ҳам болаларига эргашиб келишяпти. Ахир узун тунларни бедор ўтказиб, оқ ювиб-оқ тараб вояга етказган фарзанду дилбандининг юрт корига яроқли бўлганидан, чинакам мардлар сафига кирганидан қувонмай бўладими! Ўғлим юрт ҳимоячиси, деган фахрли туйғуни ҳис қилиш ҳар бир ота-онага чексиз бахтдир.

Шу ўринда бир жиҳатга озгина тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз бугун Юртбошимиз раҳбарлигида профессионал армия барпо этмоқдамиз. Шу боис Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида посбонларимизга ҳам катта масъулият юклайди. Яъни юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишга бел боғланган нор йигит етук, Ўзбекистон аскари, профессионал армия хизматчиси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлиши керак. Шу боис аскарликка номзодлар чақирилувчилар орасидан танлаб, саралаб, пухта кўриклардан ўтказилиб олинмоқда. Саралар ичра энг сараларгина аскар бўлиш бахтига сазовор бўляпти. Хўш, қолганлар-чи, уларнинг тақдири нима бўлади, ахир ҳар бир йигит ҳам ҳарбий кўникмаларни ўзлаштиришни хоҳлайди-ку, дерсиз? Бу ёғи ҳам пухта ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ амалга оширилади. Яъни «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг тегишли бандига асосан, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.

Таъкидлаш ўринлики, СЧР ойлик йиғинини адо этган фуқароларга ҳам муддатли хизматни адо этганларга бериладиган сингари бир қатор имтиёзлар бор. Улар ҳам бир ой давомида жанговар кўникма ва сабоқларни эгаллашади. Қолаверса, СЧР йиғинини ўтаганлар ҳам шартнома асосидаги ҳарбий хизматга, ички ишлар ва божхона соҳалари каби хизматларга ишга қабул қилинадилар.

Яқинда хизмат сафари билан Навоий гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлганимда, навбатда СЧР хизмати ойлик йиғинини ўтаётган фуқаролар билан суҳбатда бўлдим. Улар тажрибали офицерлардан ҳарб илми сабоқларини ўрганишиб, жанговар кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда экан.

Йиғин иштирокчиси Ойбек Қодиров:

– Келганимиздан буён қисқа муддат ичидаёқ анча-мунча ҳарбий кўникма ва билимлар ўзлаштирдик. Жисмоний, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан маҳоратимиз ўсди. Ҳарбий хизматчилар эгаллаши зарур бўлган билимларни ўрганяпмиз. Ойлик йиғин ҳам кўп нарса ўргатаркан.

Йиғин иштирокчиси Умид Ўрозов: – Оилавий шароит, ишлаётганларнинг ишдан узилмай ўз йигитлик бурчини адо этишларини ҳисобга олсак, анча қулай экан ойлик йиғин. Шароитлар кўнгилдагидек. Айтиш мумкинки, ҳатто уйдагиданда зиёда. Хизматнинг бу тури анча ўнғай экан. Энг асосийси, биз ҳам жанговар кўникмаларни эгаллаяпмиз.

Йиғин иштирокчиси Ортиқ Раҳимов: – Янгича хизмат тури, яъни СЧРни ўтаганлар ҳам шартнома асосидаги ҳарбий хизматга ва ИИВ соҳаси каби хизматларга олиниши, бунинг устига қисқа вақтда кўп билим эгаллашини ҳисобга олсак, мақташга арзигулик экан ойлик йиғин. Жанговар қуроляроғлар, ҳарбий техника билимлари, минтақа ҳамда жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий вазият, хавфсизликка таҳдидлар ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлдик. Командирларимиз офицер Алишер Бойшуаков, Умид Тўйчиев ва сержант Мухтор Наимовлардан анча нарса ўрганяпмиз. Ўйлайманки, йиғин охирига қадар кўп томондан маҳоратим ортади.

Шунингдек, йиғин иштирокчилари Азамат Хўжақулов, Шерзод Қосимов ва Ўринбек Ермахановлар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаб, фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Улар орасида келажакда ҳарбий хизматга шартнома асосида киришни истаганлар ҳам кўп. Қисқаси, СЧР хизмати ойлик йиғинини кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Абитуриент-2006

КУРСАНТЛИККА ТАЛАБГОР ЁШЛАР

Айни пайтда ёшларимиз ичида офицерликни ихтиёр этганлар жуда кўплаб топилади. Юрт корини муқаддас билган оташқалб йигитлар шу кунларда ҳарбий билим юрти курсанти деган номга сазовор бўлиш илинжида тобора яқинлашиб келаётган тест синовларига жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Биз бу каби қалби уйғоқ, юрти учун фидойи ёшлар билан суҳбатлашиш мақсадида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлдик.

– Ҳарбий билим юртига ҳужжат топширган абитуриентлар сонидан ҳам билса бўладики, кейинги йилларда офицер бўлиб юртининг осойишталиги йўлида хизмат қилишни истаганлар тобора кўпайиб бормоқда, – дейди офицер Алишер Худойбердиев. – Шуни эътироф этиш керакки, билим юртимизга ҳужжат топширган абитуриентлар ичида ҳаёт мактабида тобланиб ҳарбийликнинг паст-баландини кўриб билганлари ҳам анчагина.

Дарҳақиқат, бу йил ушбу билим даргоҳига кирмоқчи бўлганлар ҳар йилгига нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Буни бир ўринга 5-6 нафар талабгор тўғри келаётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Бундан кўриниб турибдики, энг сара йигитларгина курсант бўлишга лойиқ топилади, албатта.

– Мен ўз олдимга ёшлигимдан офицер бўлишни мақсад қилиб қўйганман, – дейди андижонлик абитуриент Акром Йўлдошев. – Шу боисдан ҳам умумтаълим мактабини тугатиб, кучли тайёргарлик кўриб, ҳеч иккиланмай ҳужжатларимни мазкур ҳарбий билим юртига топширдим. Ҳозир дастлабки синовлар олдидан бироз ҳаяжондаман.

Хоразмлик Лазиз Зокиров, қашқадарёлик Учқун Сандовлар муддатли хизматни ўтаб, олий ўқув юртларига киришда қўшимча 25 фоизлик имтиёз берадиган Тавсияномани қўлга киритиб қайтишган. Улар ҳам биз билан суҳбатда курсант бўлиш ниятида эканлигини фахр билан айтишди.

Таъкидлаш жоизки ҳарбий билим юртига ҳужжат топширганлар ичида Тавсиянома соҳиблари кўплаб топилади. Бу каби қалби шижоатга тўла ёшларнинг офицерлик касбини танлашаётганини кўриб қувонасан киши. Ахир шулар эмасми, юртимизнинг бўлажак асл посбонлари.

Сейман НАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ОСУДАЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН!

Юртимизда кенг миқёсда яна бир оммавий муҳим тадбир – «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ватандошларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, йўлларда автомобиль-транспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, айниқса, бу ўринда мактаб ва боғча ёшидаги болаларнинг ҳаётини кўз қорачиғидек асраш учун ўтказилаётган ушбу ойлик тадбирда ҳарбийларимиз ҳам фаол иштирок этишяпти. Биз Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назорати хизматининг бу борада олиб бораётган ишлари билан танишдик.

– Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги тадбирини кўнгилдагидек ўтказиш учун амалга оширишимиз зарур бўлган ишларни белгилаб, шу асосда пухта режа тузиб чиққанмиз, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назорати хизмати бошлиғи майор Мурод Фозилов. – Яъни бунга кўра гарнизон ҳудудидаги ҳарбий қисм, ташкилот ҳамда муассасалар шахсий таркиби, ҳарбий автомобиль ҳайдовчилари ҳамда шахсий автомобиль воситаси бор ҳарбий ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари иштирокида машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Қисм командирлари ёки муассаса бошлиқлари машғулот ўтказишимизни сўраб, бизга мурожаат қилишади. Кейин шу асосда таклиф режага киритилади. Машғулот соатларида йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, машинанинг техник ҳолати, ҳайдовчининг соғлиги каби масалаларга чуқур эътибор қаратиш ҳамда мабодо йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда дастлаб кимга мурожаат этиш, қандай ёрдам кўрсатиш, ўзгартирилган йўл белгилари кабилар ҳақида батафсил тушунтирилади. Бу ўринда Ички ишлар вазирлиги, йўл-патрул хизмати, прокуратура каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Машғулотлар ҳамкорликда ҳам ўтказилади. Шу кунгача гарнизондаги ҳарбий қисмларда, мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари, Чегара қўшинлари қисмлари ва бошқа жойларда маърузалар қилинди. Бундай машғулотларни гарнизон ҲАН хизматининг малакали офицерлари ўтказадилар. Назорат постларида узлуксиз навбатчилик ташкил этганмиз.

Гарнизон ҳудудига кирадиган асосий йўлларда ҲАН нозирлари туришади. Ижодий гуруҳимиз ҲАН хизмати нозирларининг навбатдаги машғулотида қатнашди. Гарнизондаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган ушбу машғулотда, қисм шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилари ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиларига дарс ўтилиб, тегишли маълумотлар етказилди.

– Ҳаракат хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этиш учун барча сафдошларим ҳушёрликларини оширишган, – дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ҳамид Олимов. – Шу билан биргаликда ўзимизга бириктирилган техниканинг шайлиги, қисмларининг тўғри ишлаётганига доимий эътибор қаратамиз. Чунки ҳамма томондан соз ишлаётган машина билан нохуш ҳолатларнинг рўй бериши эҳтимолдан холи. ҲАН хизмати бу борада қимматли йўл-йўриқлар ва маслаҳатларини аяшмаяпти. Мана, бугун ҳам жуда яхши маълумотлар олдик. Ўйлайманки, барчаси кўнгилдагидек якунланади.

Катта лейтенант Сардор КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ЁШ ҲАЙДОВЧИЛАР ЙИҒИНИ

Шу кунларда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ёш ҳайдовчиларни қайта тайёрлаш йиғини бўлиб ўтмоқда.

– Мазкур йиғинга ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган аскарлар жалб қилинган, – дейди биз билан суҳбатда шундай йиғинлардан бирининг гуруҳ командири офицер Ғанишер Қурбонов. – Мақсадимиз, уларнинг ҳайдовчилик бўйича билимларини янада бойитиб, профессионал посбон сифатида тайёрлаш.

Йиғин иштирокчиларининг ҳар бир машғулотни пухта ўзлаштиришларида офицерлар Искандар Бурнашев, Абдураҳим Акбаров каби мутахассисларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Улар ёш ҳайдовчиларга сидқидилдан касб сирларини ўргатишяпти. Муҳими шундаки, ўтган йилги ўқув жараёнлари тасвирга олинган бўлиб, мазкур лавҳалар посбонларга машғулот пайтида намойиш қилинмоқда. Бу эса ўз ўрнида шунқорларнинг машғулотлар давомида камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

– Муддатли хизматга қадар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги автомобилчиларни тайёрлаш мактабида таҳсил олганман, – дейди йиғин иштирокчиси оддий аскар Раҳим Худойқулов. – Бу ерда ўтилган ўқув машғулотларини такрорлаш баробарида янги билимлар ҳам ўргатилмоқда.

– Назарий билимларни пухта эгаллашимиз учун дарслар амалиёт билан бирга олиб борилмоқда, – дейди суҳбатга қўшилган наманганлик оддий аскар Турғунпўлат Шомуродов.

Дарҳақиқат, йиғинга жалб қилинган посбонларга қулай шарт-шароит яратилган. Улар машғулотлардан бўш вақтида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳарбий қисм кутубхонаси ёки кенг ва шинам ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонаси хизматларида. Спорт тренажёр залида, спорт майдончасида жисмоний тайёргарлик бўйича ҳам шуғулланишлари мумкин.

Биз ижодий гуруҳимиз билан ҳарбий қисмга борганимизда, ёш ҳайдовчи посбонлар ўз билимларини амалиётда қўллаш учун автопаркда машқ ўтишаётган экан. Офицер Нодир Қурбонов аскарларга йўл-йўриқ кўрсатгач, улар катта ҳайдовчилар назорати остида машиналарни ҳаракатга келтиришди. Ушбу машғулотда оддий аскар Шавкат Баратов катта ҳайдовчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ботир Қўчқоров назорати остида дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди.

Бир ой давомида ҳайдовчилик бўйича малакасини оширган посбонлар автомобилларнинг тузилиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиб, тегишли масофани босиб ўтиш бўйича якуний имтиҳон топширишади. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган аскарлар ҳарбий қисмда ҳайдовчи вазифасида хизмат қила бошлайдилар.

Агнеш ҚУРБОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Мустақиллик ва Конституция ҳимояси – муқаддас бурч

БИЗ КЎЗЛАГАН ОЛИЙ МАҚСАД

Миллий истиқлол мафкураси, ғояси энг аввало Бош Қомусимиз – Конституциямизга, миллий қадриятлар, демократик тамойилларга асосланишини яхши биламиз. Миллий истиқлол ғоясининг умумбашарий тамойиллари ичида ҳам қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлиликка улкан аҳамият қаратилгани, бу омиллар ижтимоий ҳаётимизда ўз аксини топаётгани маълум. Демак, Конституциямизни ҳимоя қилиш миллий истиқлол мафкурасини, миллий қадриятларни ҳам асраб-авайлаш деганидир. Озодлигимизнинг, эркинлигимизнинг рамзларидан бўлган Конституциямиз билан ғурурланар эканмиз, истиқлолнинг 15 йиллик тўйи арафасида унга яна бир бор юзланишни ихтиёр этдик. Зеро, Асосий Қонунимиз бизга истиқлол инъом этган энг буюк туҳфалардан биридир.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий жабҳаларда, давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Бундайин туб ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эди: **«Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади».**

Шуни таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимиз халқимизнинг Асосий Қонуни сифатида ўзида демократик, одил тамойилларни акс эттирди ва мустақиллик ғояларини ҳуқуқий кафолатлади. Аввалги Конституциялардан асосий фарқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, Юртбошимиз таъкидлаганидек, аввало унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Туб моҳияти, фалсафаси ва ғоясига кўра тамомила янги ҳужжатдир.

Барчамизга яхши маълумки, Бош Қомусимизнинг катта бир бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» дея номланиб, у еттита бобдан ташкил топган. Улар билан танишиб туриб, мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича тус олганини, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида демократияга асосланган янгича муносабатлар пайдо бўлганини англаш мумкин.

Жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётида тобора демократик янгиланишлар амалга ошиб бормоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича ислоҳотлар ўтказиб келинаётгани ҳам шулар сирасидан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Маълумки, истиқлолга эришган пайтимизда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалар бўлган. Баландпарвоз, пуч ғояларни илгари сурган шўро тузумида инсон қадр-қиммати анчайин «арзон» бўлган. Мустақиллик йилларида эса инсонпарварлик, адолат тушунчалари ўзига хос бир қадрият даражасига кўтарилди.

Ўзбекистонга ёғилган турли ахборот хуружларида инсон ҳақ-ҳуқуқлари топталаётгани, демократия бўғилаётгани ҳақида жар солишди. Вазиятни лойқалаштириш ниятидагилар инсонпарварлик, демократия дея айюҳаннос солаётган давлатларнинг барида ҳам биздагидек бундайин муҳим ҳужжат йўқлигини билишармикин? Шуларни ўйлаб туриб, инсонпарварликнинг, демократиянинг амалдаги кўринишига не етсин, дегинг келади. Таъкидлаш жоизки, биргина ана шу Фармоннинг ўзи ҳам мамлакатимизнинг ўз танлаган ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан дадил одимлаётганини кўрсатади. Мамлакатимизни дунё тан олди, халқаро майдонда нуфузга эга бўлиб бормоқдамиз. Бунинг замирида Конституциямиз ҳам ётишини айтиб ўтиш лозим. Яъни Бош Қомусимиз орқали Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамкорликда яшашларига ҳуқуқий пойдевор яратилган.

Маълумки, Конституциямизнинг муқаддимасида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тинчлик-фаровонликка, ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар жамият қуришга бўлган интилиши, хуллас бугунимиз, нурли келажагимиз йўлидаги мақсадларимиз аниқ-равшан ифодасини топган. Истиқлолнинг 15 йиллик тўйи арафасида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Конституциямизнинг танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлимизни ёритгувчи йўлчи юлдуз эканлигига амин бўламиз.

Бекзод ЖУМАЕВ, Жаҳонгир ЖЎРАЕВ, Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари.

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

Уже в начале второго часа ночи четверо боевиков по одному, с интервалом в несколько минут покинули квартиру. Ризвон был спокоен за них, они были горожанами, знающими город, а ночь была их молчаливым и надежным союзником. По ночам все же встречались редкие прохожие, в основном военные, спешащие домой с ночного дежурства или идущие на дежурство. И самое главное – военные были вооружены: у каждого на боку висела кобура с пистолетом. Уже следующей ночью офицера, вооруженного пистолетом, идущего спешным шагом по центру темной улицы, Файзи, крадучись следом, проводил до дома и, напав на него в подъезде, завладел оружием. Вылазки боевиков продолжались три ночи подряд.

Через две недели Ризвон поручил Файзи выйти днем в город только с одной целью: отследить любого состоятельного коммерсанта и узнать о нем все, что только можно узнать. Файзи в точности выполнил задание, весь день скрытно преследуя жертву, выбранную им у здания одного из крупных банков города.

Место работы, место жительства, распорядок рабочего дня, маршрут движения от дома к месту работы и обратно и, главное, отсутствие личной охраны – обо всем этом Файзи подробно рассказывал командиру, не упуская ни одной подробности.

На следующий день Ризвон приказал не Файзи, а уже другому боевику проделать ту же работу. А у Файзи в этот день было новое поручение – нужно было купить дом на окраине Душанбе. Уже к вечеру Файзи имел четыре варианта предложений на покупку домов, расположенных в разных концах Душанбе.

Файзи подробно описал Ризвону каждый из увиденных им домов, сделал схему прилегающих к ним улиц, дав возможность командиру самому во всем подробно разобраться. После долгого обсуждения со своими боевиками Ризвон выбрал небольшой пятикомнатный дом, затерянный в глухом тупике на одной из окраин Душанбе. Дом был огорожен высоким деревянным забором, а двери ворот были единственными в тупике, в то время как все соседские дворы располагались таким образом, что двери ворот выходили на другую улицу.

Хозяева дома собирались уезжать из Душанбе, поиск покупателей затянулся, и они практически сразу согласились на предложенную Файзи невысокую цену. На покупку дома были потрачены все оставшиеся у Ризвона деньги, но это его не очень огорчило. Той же ночью вся группа, таясь, по одному перешла в свое новое логово, оставив в квартире лишь одного из боевиков.

Освоившись в течение суток на новом месте, Ризвон решил начать то, ради чего он пришел в Душанбе – похищение заложников из числа сотрудников международных организаций, аккредитованных в Таджикистане, с целью обмена их на Бахрома. Эта операция требовала большой подготовки, но одной из первостепенных задач было соблюдение конспирации и собственная безопасность. Для начала он решил прорыть подземный ход, ведущий из центральной комнаты дома и заканчивающийся в дальнем конце сада близлежащего соседского дома. План был прост по замыслу, но в исполнении требовал огромных физических усилий.

6. Самат смотрел из окна своего дома на деревья сада. Утро было раннее, дети еще спали. Через час все в доме придет в движение. Жена на кухне будет готовить завтрак, а дети, превращая все в шалость, готовиться к школе. Все хорошо и привычно. И слава Аллаху, что у него так. Что еще надо? Ему почти сорок лет, жена на десять лет младше его. Трое сыновей. Бизнес идет неплохо. На безбедную жизнь хватает, грех жаловаться. В городе его уважают, ну а то, что завидуют... так есть чему.

12.10 «Кўҳна оҳанглар». Тожибар Азизова.
12.35 «Ҳамон ёдимда». 1-қисм.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 «Ҳамон ёдимда». 2-қисм.
13.20 «Чинор остидаги дастури.
16.35 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Тиниб-тинчимас чоллар». Видеофильм. 2-қисм.
18.15 «Стандарт ва сифат».
18.30 «Бизнинг кутубхона».
18.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.50 «Икки дарё оралиғида». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Чин муҳаббат». Телесериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 Тунги сериал: «Шаҳарлик фариштa».
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Шоҳсупа.
8.30 «Фан» туркуми.
8.45 Давр мавзуси.
9.00 «Қалбим чечаги». Сериал.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
11.50 Тақдир.
12.10 «Ғурур». Сериал. 7-қисм.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Фан» туркуми.
14.25 Ўсмирлар симфоник оркестри.
14.40 Якшанба нонуштаси.
15.15 «Даллас». Сериал.
16.00 Давр.
16.15 «Ёшлигим — қуёшлигим». Мусиқий дастур.
16.35 Ватан ҳақида ўйлар.
17.40 Ёднома.
17.55 Анонслар.
18.00 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Сериал.
18.40 Каталог.
18.50 SMS-кинотанлов.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Ёшлар куйлаганда.
20.00 Спортлото.
20.10 «Паловхонтўра!»
20.40 Ватан ҳақида ўйлар.
20.45 Кино SMS.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Ғурур». Сериал. 8-қисм.
21.50 Ёшлик наволари.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 Анонслар.
23.00 «Ёлғон асираси». Сериал.
23.45 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

«8.00-13.00»гача қўнғилочар информацион м

КИТОБАТ — САНЪАТ ДУРДОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олим Абдумажид Мадраимов шундай ёзади: «Китобат санъати ҳунармандлар — қоғозрез, хаттот, лаввоҳ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳҳоф (муқовасоз) ва бошқалардан иборат гуруҳ, жамоа томонидан бажариладиган жараён бўлиб, Ўрта ва Яқин Шарқ ислом тасарруфидаги давлатларда бир хил усулда амалга оширилган. Қўлёзма китоб учун яхши, сифатли қоғоз танланган, хаттот матнни қоғозга ёзишда махсус қоғоз-картон (мистар) устига ип тортиб, унинг изини матн ёзиладиган қоғозга туширib олгандан сўнг хат ёзилган. Матннинг жойлаштирилиши хаттотнинг маҳоратига боғлиқ бўлган. Битилган матнни лаввоҳ ҳошия қоғозга елимлаган. Устидан жадвалкаш айни ёпиштирилган жойдан турли рангларда чизиқлар тортиб, матнни жадвалга олган. Сўнгра музаҳҳиб суюлтирилган олтин ва бошқа турли ранглар ёрдамида қўлёзмани зийнатлаган ва «шамс», «лавҳа», «сарлавҳа», «зарварақ», «хотима» нақшлар билан безаган. Бўш қолдирилган жойларга мусаввир расм, миниатюра ишлаган. Мусаввир, наққош нафис қамиш қалам билан расмнинг асосий тарҳини, шаклар чизиғини, заминни, деталларни чизиб, сўнг турли рангда (олтин, кумуш ишлатилган ҳолда) бўяган. Муқовачи қўлёзмани картон ёки чармдан ишланган (нақш зарб қилинган, бўёқлар, олтин билан бўялган) муқовага бириктирган, муқова қопқоғи ёғочдан, баъзан кумушдан қуйиб тайёрланган ҳамда босма, ўйма, қадама нақшлар, ёрқин расмлар билан безатилган».

Хоразмийнинг «Ер тасвири китоби», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китоблари, умуман, мутафаккир ва олимларнинг асарлари ўрта асрларда китобат санъати асосида зийнатланганини таъкидлаб ўтиш лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур даврда асосан араб тилида китоблар чоп этилган ва улар безатилган.

Темурийлар давридан бошлаб эса туркий — ўзбек тилидаги китоблар яратилишига катта эътибор қаратилган. Хусусан, бу даврда сарой кутубхоналари ва нуфузли шахслар учун тайёрланадиган қўлёзмалар китобат санъатининг гўзал намуналари сифатида эътироф этилган. Айниқса, 1370 – 1506 йилларда китобат санъати гуллаб-яшнаган, десак муболаға бўлмайди. Масалан, мумтоз Шарқ адабиёти намояндаларининг — Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Бедил, Алишер Навоий, алломалар Беруний, Ибн Сино, Улуғбекларнинг асарлари қўлёзмалари шу усулда тайёрланганини, улар китобат санъатининг нодир дурдоналари сирасига кирганини фахр билан тилга олиб ўтсак арзийди.

«Шайбонийлар даврида китобат ишларига — қўлёзмаларни ҳуснихат билан кўчириш йўли билан нусхасини кўпайтириш, уларни воқеабанд миниатюралар билан безатиш, чиройли ва чидамли муқоваларга жамлашга катта эътибор берилади. Шу тариқа, Алишер Навоий ҳомийлигида Камолиддин Беҳзод ва унинг сафдошлари томонидан яратилган Ҳирот рассомлик мактаби сингари Бухоро рассомлик мактаби вужудга келади. Зотан, бу даврга келиб, бизким, ўзбекларнинг бу борадаги маркази ҳам Ҳиротдан Бухорога кўчган эди. Шайбонийлардан Абдулазизхон ва Абдуллахон II нинг китобхоналари ўша замон мусулмон Шарқидаги энг йирик китоб хазиналаридан эди», деб ёзади Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бу мисол Темурийлар давридаги юксалиш руҳи сўнмаганини, бунёдкорона ишлар давом этганини, пировардида маданият юксала борганини кўрсатади. Ҳа, маънавий хазина ҳисобланувчи китобга, уни ранг-баранг безашга, умуман, маданият, санъат шаклланишига шоҳлар, хонлар катта эътибор қаратишгани борасида тарихдан кўплаб мисоллар келтириб ўтишимиз мумкин.

Аждодларимиз яратган китобат санъатининг гўзал намуналари ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Ана шундай намуналардан бири сифатида шоира Нодира буюртмасига кўра хаттот Муҳаммад Юсуф Дабир томонидан ўн тўққизинчи асрда Қўқонда кўчирилган «Девони Алишер Навоий» қўлёзма китобига ишланган безакларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Унда мусаввир ва хаттот Навоий асарлари инсониятга қуёшдек нур сочиб туришини рамзий тасвирлаган ажойиб нақшлар мавжуд.

Ортда қолган асрнинг етмиш-саксонинчи йилларида бир гуруҳ фидойи олимларимиз — Мадраимов, Салимов, Муҳаммаджоновларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли китобат санъати қайта тикланди. Айниқса, Муҳаммаджоновнинг китобат санъатида самарали ижод қилганини, «Навоий лирикаси», «Калила ва Димна», «Девону луғотит турк», «Ипак йўли ҳикоялари» каби асарларни нафис безаклар билан ишлаганини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

«Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир», деган эди Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида. Шу маънода китобат санъати ҳам аждодларимиздан қолиб келаётган гўзал анъаналаримиз, қадриятларимиз сирасидан. Ҳаётимизга компьютер ёки бошқа «ақлли машина»лар кириб келаётган бўлса, нима бўпти? Ўша компьютерга ҳам дастур тузиб, китобатга оид нарсаларни, дизайнни киритиш мумкин-ку.

Бир йилча муқаддам Тошкент давлат техника университетида Нодир Азизов деган талаба билан танишдим. Йигит муддатли ҳарбий хизматдан Тавсиянома билан қайтиб, мазкур олий ўқув даргоҳига ўқишга кирган. Иқтисод дизайнери бўлиш йўлида таълим олаётган экан. У тез-тез китобат билан боғлиқ ишларга ҳам юзланиб туришини, бу санъат туридан кўп нарсалар ўрганганини айтиб, келажакда шу йўналишда улкан ишлар қилажагига ишора этди. Умид қиламизки, аждодларимиздан қолиб келаётган бу гўзал санъат янгича талқинда шаклланади, дунёга қайта юз очади.

Сафар АЛИ.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ БЎЛАР ҚУДРАТЛИ ЮРТНИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».

Маълумки, маънавий ва жисмоний баркамоллик бир-бирига уйғун. Том маънодаги баркамоллик деганда айнан ҳам жисмонан, ҳам маънан етуклик тушунилиши шундан. «Соғ танда, соғлом ақл», дея халқимиз бежиз таъкидламаган-да. Ҳа, соғлом одам соғлом фикрлайди. Соғлом авлод халқимиз келажаги, соғлом авлод эртамизнинг муносиб давомчиларидир. Шу боис ҳам Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом, баркамол авлод тарбиясига устувор эътибор қаратиб келинмоқда.

Бежиз фикримизни айнан шу мавзуга қаратмаяпмиз. Мақоламиз давомида ҳарбийларимизнинг спорт байрами бўлган Умумармия ўйинлари мисолида, иккинчи бора кўтаринки бир руҳда ўтказилган мазкур мусобақа мисолида баркамоллик йўлида эришаётган ютуқларимизга назар ташламоқчимиз. Қолаверса, бу билан давлатимиз раҳбарияти ҳарбийларимизнинг жисман, маънан соғлом, баркамол бўлиб шаклланишларига устувор эътибор қаратаётганини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Аввало Мудофаа вазирининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича иккинчи Умумармия ўйинлари якунларини бўйича буйруғига бир назар ташласак. Унда мазкур спорт байрами ҳарбийларимиз учун нима бергани, кўзланган мақсадларимизга эришишда қай даражада аҳамият касб этгани билан боғлиқ саволларга жавоб топиш мумкин.

> СОҒЛОМ АВЛОД ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ, СОҒЛОМ АВЛОД ЭРТАМИЗНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАРИДИР.

Шу ўринда яна бир бор эслатиб ўтайлик. Жорий йилнинг 30 март ва 9 апрель кунлари Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича иккинчи Умумармия ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтди. Икки йилда бир бора ўтказиладиган бу нуфузли мусобақанинг дастлабкиси 2004 йилда Тошкент ва Чирчиқда ўтказилганди.

Умумармия ўйинлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спортни тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш борасида»ги Қарорлари асосида ўтказилиб, унинг устувор мақсади ёшларимизни, ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, уларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини ошириш, ҳамда бу билан оммавий спорт ва катта спортни боғловчи бўғин ҳосил қилиш. Бир сўз билан айтганда, комил инсон тарбиясига қаратилган навбатдаги муҳим қадам.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ҳарбийларимизнинг ўзига хос бу спорт байрами юксак талаблар асосида ўтиши учун замин яратилди. Буни биргина ҳакамлик билан боғлиқ жараёнда ҳам кузатиш мумкин. Яъни мусобақа давомида 2 нафар халқаро тоифадаги, 8 нафар миллий тоифадаги, 16 нафар республика тоифасидаги ва 15 нафар биринчи тоифадаги ҳакамлар беллашувларни бошқариб боришди.

2004 йилги мусобақа билан қиёслаб қараганда, иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлиги салмоқли даражада ўсганини кўриш мумкин, дейилади Мудофаа вазирининг тилга олинаётган буйруғида ва ҳарбий спортчиларимизнинг иккинчи Умумармия ўйинларида қўлга киритган турлича разрядлари келтириб ўтилади. Унга асосан таҳлил қилинадиган бўлса, 4 нафар ҳарбий хизматчининг спорт устаси нормативини бажарганини билиш мумкин. Ёки спорт усталигига номзод нормативини бажарганлар 2004 йилдагига нисбатан 1,4 фоизга ўсгани ҳам мақташга арзигулик натижа. Қиёсий таҳлил қилинганда, биринчи разрядни қўлга киритганлар 3 фоизга, иккинчи разряд соҳиблари 6 фоизга, учинчи разрядга эга бўлганлар 26 фоизга ўсгани аён бўлади. Ушбу кўрсаткичларнинг ўзи ҳам мусобақа ҳарбийларимизнинг жисмоний тайёргарлиги ва баркамоллигини оширишда, оммавий спорт ва катта спортни боғлашда устувор аҳамият касб этаётганини ифодалайди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Авазбек Рисбековнинг ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш беллашувида спорт устаси нормативини бажаргани, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жамоаси вакили оддий аскар Ўктам Тожиевнинг спорт усталигига номзод бўлганини фахр билан тилга олиб ўтиш мумкин. Ёки бўлмаса, ҳарбийларимиз иккинчи Умумармия ўйинларида спорт усталигига номзод нормативини тош кўтариш баҳсида бажаришгани уларнинг полвонкелбат баҳодирлар, тошбилакли паҳлавонлар эканлигидан далолат эмасми?! Курсантлар О.Муқимов, Х.Тангриберганов. Ф.Аҳроров, Ф.Сапаров, кичик сержантлар Д.Йўлдошев. А.Ҳамидов, оддий аскарлар И.Иноғомов, Ш.Сафаровлар ана шундайин марду майдон паҳлавонларимиздан эканлигини исботлашиб, тош кўтариш беллашувида спорт усталигига номзод бўлишганини таъкидлаш лозим. Яна рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, 2004 йилда турли разрядлар соҳиблари бўлишган иштирокчилар 29 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилги мусобақада бу кўрсаткич 67 фоизга етди. Буни истиқлолнинг 15 йиллигига ҳарбийларимизнинг, соғлом турмуш тарзини ўзига шиор қилиб олган посбонларимизнинг ўзига хос совғаси, дея эътироф этиш ҳам мумкин. Шунинг ўзи ҳам бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда.

Маълумки, жисмоний тайёргарлик жанговар шайликнинг муҳим омилларидан бири. Шунинг учун ҳам она юрт посбонларининг бу борадаги тайёргарликларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ислоҳотлар давомида барча қисм ва бўлинмаларда спорт шаҳарчалари, спорт мажмуалари, замонавий спорт тренажёрлари, хуллас, бугуннинг талабидаги шарт-шароитлар яратиляпти. Энг муҳими, ҳарбийларимиз баркамол авлод тарбияси йўлидаги давлатимиз сиёсатини тўғри англашмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг **«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади»**, деган гаплари хаёлимизга келади. Бунга ҳамоҳанг ҳарбий спортчиларимизга қарата «қудратли юртнинг соғлом фарзандларига боқинг, улар Ўзбекистонини бировларга бериб қўймайди. Чунки уларнинг ўйи, фикри, қилаётган эзгу амали соғлом. Кучи ҳам, қудрати ҳам ана шунда, уларнинг!» дегимиз келди.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ, Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(Давоми. Боши 1-бетда).

19. Турли хил дори-дармонлар тайёрлаш санъати.

20. Турли хил заҳарлар ва зидди-заҳарлар тайёрлаш санъати. Бу икки санъат бевосита тиббиётга алоқадор бўлиб, унда сирли ва махфий рецепт ва заҳарлар тайёрлаш ўргатилган.

21. Ҳаёт учун хавфли жароҳатлар олганда тез тиббий ёрдам кўрсатиш санъати. Бу санъат ҳозирда «экстремал медицина» сифатида ривожланиб бормоқда.

22. Қилич, таёқ, найза, болта, ўроқ, гурзи ва ҳ.к. қуроллар билан жанг қилиш санъати. Паҳлавонлик талабида бўлган йигит барча жанг қуролларини ўта моҳирлик билан ишлата олишни билиши зарур эди.

23. Бир тиғли ва икки тиғли пичоқ билан жанг қилиш санъати. Бу санъат ҳам сирли санъатлар сирасига кирган.

24. Чопон, чўғирма, белбоғ, чориқ, умуман, барча кийим-бошлардан қурол сифатида фойдалана олиш санъати. Бу жуда қизиқарли ва ажойиб санъатлардан ҳисобланган.

25. Мусиқа асбоблари: сурнай, қўшнай, карнай, рубоб, қайроқ каби мусиқа асбоблари билан жанг қилиш санъати. Бу ҳам сирли санъатлардан ҳисобланган. Масалан сурнай ичидан заҳарланган игналар учиб чиқиши, рубоб симлари нишонга бехато тегиши, қайроқ қирраси ўткир тиғ сифатида санчилиши мумкин эди.

26. Камондан бехато отиш санъати. Камон нафақат нишонга ўқ узиш воситаси, балки баланд деворларга арқон ташлаш, тўсиқлардан ошиб ўтиш имкониятлари билан ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Ўқотар қуроллар ихтиро қилиниши билан бу услуб ҳам Паҳлавонлик дастурига киритилади.

27. Махсус мосламалардан фойдаланишни билиш санъати. Ҳарбий соҳада турли хил махсус мосламалар мавжудки, жувонмардий паҳлавон бу махсус мосламаларни билиши албатта зарур бўлган. Биргина мисол: жувонмардий паҳлавонларда «Қирқанот» деган махсус учиш мосламалари бўлганки, бу ҳозирги планернинг ўтмишдоши ҳисобланади. Бу махсус мослама – Қирқанот ёрдамида юз чақиримча масофагача учиб бора олганлар.

28. Балиқ тутадиган тўрлардан фойдаланишни билиш санъати, балиқ тўри тадбиркор қўлларга тушса даҳшатли қуролга айланиши қадимдан маълум эди.

29. Боғлаш санъати ва ҳар хил бойлов ва кишанлардан озод бўлиш санъати. Инсонни юз хил усул билан боғлаш мумкин. Худди шундай бир нечта юз хил усул билан кишан ва тахтакачлардан озод бўлиш услублари ўргатилган.

30. Ниқобланиш санъати. Жувонмардий паҳлавон вазиятга қараб чол, бола, аёл, букри, майиб-мажруҳ каби хилма-хил қиёфаларга кира олган. Бу жуда ноёб санъатлардан бири ҳисобланган.

31. Душман қароргоҳига махфий кириш санъати. Санъатлар ичидаги санъат ҳисобланган бу усул жуда синчковлик билан ўргатилган.

32. Душман истеҳкоми, мудофааси, нияти ва хатти-ҳаракатини ўрганиш санъати. Фортификация ва картография масалаларини билиш, қўшинлар дислокацияси, жосуслик маълумотларини қайта ишлаш ва ҳ.к. Лашкарбошилик салоҳияти алоҳида ўргатилган.

33. Йиртқич ҳайвон билан қуролли ё қуролсиз жанг қилиш санъати. Паҳлавонлик санъатининг энг олий рутбаси ҳисобланган энг сўнгги санъатда арслон, йўлбарс, ҳаттоки фил билан яккама-якка жанг қилиш услублари ўргатилган.

Шу тариқа жувонмардий-паҳлавонлар тайёрлаш дастурининг ўн саккиз йиллик тизими ниҳоясига етган.

Паҳлавонлик санъати нима эди? У халққа нималарни берди? Паҳлавон Маҳмуд инсоният тарихида илк бор янги типдаги инсон, жангчи, адепт, комил инсон образини яратиб берди. Унинг бу хизмати, милоддан олдинги III асрда Шаолин монастирига асос солган Бодхидхарма фаолияти билан айнидир. Бодхидхарма ҳам Шаолин монастирида янги типдаги инсон, монах, жангчи образига асос солган эди.

Паҳлавонларни тайёрлаш илми Паҳлавон Маҳмудгача ҳам мавжуд эди. Бу сирли илм жуда қаттиқ сир сақланар, уни ўрганмоқчи бўлган шогирд кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ирода синовларига дучор этилар, агар у бу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтса Паҳлавонлик илмларидан сабоқ беришга қўйилар эди. Бу илм шу даражада эдики, ҳар юз йилда битта Паҳлавон чиқса, бу ажойиб кўрсаткич ҳисобланарди. Паҳлавон Маҳмуд мазкур илмни нисбатан соддалаштириб, қайта ишлаган кўринади. Ёки у бу илмни энг фойдали услубларини айрича олиб, мутлақо янги дастурга асос солгандир?! Бугун буни аниқ-равшан айтиш қийин.

Ўн икки йил деганда ўз Ватанига қайтган Паҳлавон Маҳмуд энг аввало махфий биродарлик сулуки – Жувонмардийлик сулукига асос солди. Хоразмда сулуклар жуда кўп эди: ишракия, ишқия, мавлавия, кубравия ва ҳ.к. Бу оддий ҳодисалардан бири эди. Паҳлавон Маҳмуд ишни энг аввало ўша ўз даври учун «айниган насл» ҳисобланган ўспирин йигитчаларни тўплашдан бошлади. Соғлиғи ҳам, гавдаси ҳам, мардлиги ҳам ҳамин қадар бўлган бу йигитчалар ҳеч нимаси билан мақтана олишмас, аскарликка ярамас эдилар. Хоразмда эрк учун аланга оладиган исёнлар оловлари ўчиб, мўғуллар эркин нафас ола бошлаган, уларнинг маккор режаси ўз самараларини бера бошлаган пайт эди.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

1701 йилда кўчирилган, номаълум муаллиф, урганчлик Мулла Ниёз Охун Аҳмад Илоқийнинг «Дар сифати хуш анжумани Паҳлавони Маҳмуд» номли қўлёзма рисоласида Паҳлавон Маҳмуднинг «Ваҳдатул вужуд кураши ёхуд Паҳлавонлар Дастури» асаридан парчалар келтирилади: «Дастурни ўзлаштириб, Ваҳдатул вужуд курашига кирган хулқи – жувонмардий (Паҳлавон Маҳмуд Жувонмардия сулукини иккига бўлган, биринчи босқич жувонмардий халқ, иккинчи, олий босқич – жувонмардий хулқ дея аталган. Паҳлавонлик Дастури – Жувонмардий хулқ мақомидан ўтганларгагина ўргатилган) шуларни англаб етмоғи зарурким, аввало у кўзларга пинҳон ва танаси ғойиблаша олмоғи ниҳондир. Ҳеч ким уни ҳеч қачон асл юзини (!) кўрмаслиги, баданини ушлаб, ҳис қилмаслиги лозим. У ўт-ўланлар ичига беркина олмоғи «кўздан ғойиб бўлиб кетмоғи ҳамиша жоиз. Кўзлари лочин кўзи каби ўткир бўлсин, ғайрилар кўзига боққанда, уларнинг пинҳоний фикрларини уқиб олсин. Унинг қулоқлари қушлар нутқини ва ҳашаротлар шовқинини эшита олмоғи лозим. Унинг учун бу дунёда ҳеч қандай сир бўлмаслиги керак, лекин ўзи минглаган махфийликнинг ҳукмдори бўлсин. У ҳаводан нафас олган заҳоти дўст ким, ғаним ким дарров билиб олсин ва ғанимни қаердалигини дарров аниқласин. Жувонмардий паҳлавон шунинг учун ҳам Яратганга яқиндирким, унда оддий одамларда учрамайдиган хислату фазилатлар бисёрдир. У сичқондай эҳтиётқор, мушукдек чапдаст, буқадек бақувват, илондай шарпасиз, ўқёйдай учқур бўлмоғи керак...»

Агар кимдир: – Жувонмардий паҳлавонни енгиш учун бирор позик жойи борми?! – деб сўраса, жавоб битта «Йўқ»...

Ҳа, миллат тарихида Шарқда паҳлавонлар пири дея ном қозонган Паҳлавон Маҳмуддек жувонмард инсонларнинг мавжудлиги фактининг ўзи ўзбекни буюк миллатлар қаторига чиқариб қўяди. Демак биз япон, хитой, корейс, ҳиндларга ўхшаб ўз Паҳлавонларимиз, алпларимиз тарихини, ҳаётини чуқур ўрганиб, улар ҳақида илмий, бадиий китоблар ёзишимиз, фильмлар суратга олишимиз, ушбу шонли анъаналардан баркамол авлод тарбиясида кенг фойдаланишимиз керак. Энг муҳими, ҳақли равишда ғурурланишимиз, фахрланишимиз учун миллатимиз тарихида бундай мисоллар, давр яратган буюк инсонлар жуда кўп.

> ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА ИЛК БОР ЯНГИ ТИПДАГИ ИНСОН, ЖАНГЧИ, АДЕПТ, КОМИЛ ИНСОН ОБРАЗИНИ ЯРАТИБ БЕРДИ.

Паҳлавон Маҳмуд бу йигитчаларни йиғиб, Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бўлган Тошлитепа (?!) қишлоғига йўл олади. Бу қишлоқдаги Тошлитепа остида махфий ғор мавжуд бўлиб, у ушбу ғорда ғаним ва ёт кўзлардан пинҳона дастлабки сабоқларини бошлайди. Паҳлавон Маҳмуднинг олти ойлик сабоғи мазкур заиф йигитчаларни буткул ўзгартириб юборади. Улар «чақмоқдек чақин, қиличдек тез, бўрондай қудратли, аждардай доно» – жангари йигитларга, жувонмардий паҳлавонларга айланадилар. Мўғулларга қарши чинакам «халқ ёки фуқаролар» урушни бошланади. Битта жувонмардийнинг ўзи тиш-тирноғигача қуролланган, тажрибали, жанг кўрган ўн-йигирмата мўғул аскарини ер тишлатиб кета бошлади. Ҳақиқий партизанлик уруши бошланади. Мўғуллар гангиб қолдилар. Ғаним кўзга кўринмас, ғойибий душман эди.

Шу қадар яхшилаб ниқобланган жувонмардийлардан ҳеч қачон хоин чиқмаганлигини тарихчилар ҳамон таажжуб билан ёзадилар. Чунки жувонмардлик силсиласини бўйнига олган шогирд махсус «покизаланиш мактаби»ни ҳам ўтар эди. Ана шу покизаланиш жараёни шогирд қалбидаги «салбий ҳислатларни куйдириб кул қилгувчи эди»! Ниқобланиш жувонмардий паҳлавонларни мўғуллар назаридан қанчалар яширган бўлса, уларни келгуси авлодлар назаридан ҳам шунчалар пинҳон этди. Жувонмардий паҳлавонлар ҳайратомуз афсоналарга бурканиб олдилар. Ҳақиқат пухта яширилди. Аммо, манбалар гувоҳлик беришича, жувонмардий паҳлавонлар сулуки XX аср бошларигача яшаб келди, албатта, махфий равишда.

Суҳбат АБДУЛЛАЕВ, Сирожбек АБДУЛЛАЕВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Республикамизда «Ватанпарвар» газетасига 2006 йилнинг II ярми учун обуна давом этмоқда.

Газетамизнинг асосий мақсади, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги ва қудратини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини оширишга ҳар томонлама ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирлар билан бир қаторда, мамлакат аҳолисининг барча қатламлари, айниқса ёшларни ватанпарварлик, Ватанга ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Газетага нашр таннархига деярли тенг бўлган махсус имтиёзли нарх қўйилганлиги ҳам эътиборга моликдир.Газетага обуна бўлишнинг 6 ойлик ягона нархи вилоятлар бўйича 13.602 сўм миқдорида, Тошкент шаҳри бўйича 11.730 сўм миқдорида белгиланган. Бу ҳақда сиз яқин орада жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг почта бўлимидан маълумот олишингиз мумкин. Тошкент шаҳри обуначилари учун бевосита нашриёт орқали обуна амалга оширилганда имтиёзли нарх белгиланган, яъни 6 ойга 10.000 сўм (ўзи олиб кетиш шарти билан – 9.100 сўм).

Оммавий тарзда обуна бўлувчилар ва юридик шахслар пул ўтказиш, якка тартибда обуна бўлувчилар эса нақд пул тўлаш йўли билан обунани Тошкент шаҳридаги «Ипотека-Банк» АТИБнинг Шайхонтоҳур тумани филиалидаги № 20203000400447951001 ҳисоб рақами, МФО 00425, ИНН 201088604, ОКНХ 87100 бўйича амалга оширишлари мумкин. Бунда пул маблағлари келиб тушганидан сўнг нашриёт томонидан буюртма расмийлаштирилади ва унинг нусхаси абонемент билан бирга обуначининг почта манзилига юборилади.

Газетанинг обуна индекси – 114.

Маълумотлар учун телефон: 153 03 46; факс: 153 04 60

Обуна-2006

УВАЖАЕМЫЙ ПОДПИСЧИК!

В республике продолжается подписка на газету «Ватанпарвар» на II полугодие 2006 года.

Основной целью газеты, наряду с мерами по всемерному содействию укреплению боеготовности и мощи Вооруженных Сил страны, росту их авторитета, является утверждение среди всех слоев населения страны, и особенно молодежи, духа патриотизма, преданности Родине и идеалам независимости государства.

На газету установлена специальная льготная ценовая планка на подписку, которая практически равна себестоимости издания. Единая подписная цена по областям установлена в пределах 13.602 сума на 6 месяцев. По г. Ташкенту она составляет 11.730 сумов. Об этом вы можете узнать в ближайшем почтовом отделении АО «Матбуот таркатувчи».

Для подписчиков по г.Ташкенту при условии подписки непосредственно в издательстве установлена льготная цена – 10.000 сумов на 6 месяцев (при условии самовывоза – 9.100 сумов).

Коллективные подписчики и юридические лица могут осуществить подписку непосредственно в издательстве газеты путем перечисления, а индивидуальные – путем перевода средств на расчетный счет № 20203000400447951001, в Шайхантахурский филиал АКИБ «Ипотека-Банк» г.Ташкента, МФО 00425, ИНН 201088604, ОКНХ 87100.

Подписной индекс газеты – 114.

Справки по телефонам: 153 03 46, факс 153 04 60.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида

МАРДЛАР МАКТАБИ

Мана, ўн беш йилдирки, юртимизда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти фаолият кўрсатиб, нафақат Қуролли Кучларимиз сафларига, балки халқ хўжалигининг ҳам турли соҳаларига сифатли кадрлар, маҳоратли мутахассислар етказиб бериб келмоқда. Жойлардаги «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли мактабларда юртимизнинг минглаб ёшлари илм-ҳунар ўрганишиб, Мустақил республикамиз тараққиёти йўлида хизмат қилиб келишмоқда. Кўпқиррали йўналишга эга ушбу ташкилот олиб бораётган ишларига назар ташласангиз, бири-биридан ажойиб воқеаларнинг шоҳиди бўласиз. Яқинда «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилоят кенгашида бўлиб, бўлимларда олиб борилаётган ишлар билан танишдим.

– Айни пайтда ташкилотда иш жуда қизғин, – дейди биз билан суҳбатда «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши раиси истеъфодаги полковник Олег Овчинников. – «Ватанпарвар» ташкил этилганлигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўряпмиз. Туман ва шаҳар бўлимларининг беш йил давомида амалга оширган ишлари ҳисоботлари кўрилмоқда. Ютуқ ва камчиликлар, галдаги режалар муҳокама этилмоқда. Шу пайтгача олинган маълумот ва кўрсатгичларга кўра, вилоятнинг Ромитан туманидаги Мурод Хажиев бошлиқ ўқув-спорт техника клуби, Ғиждувон туманидаги Ато Бақоев раҳбарлик қилаётган автомобиль мактаби ҳамда Санжар Сафаров бошчилигидаги Бухоро кенгаши, Шокир Шаропов бошчилигидаги шаҳар автомобиль мактаблари энг фаол ва намунали баҳоланмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилотининг автомобиль мактабларида В, ВС категорияли ҳарбий мутахассис ҳайдовчилар тайёрланади. Ўқув-спорт техника клубларида эса асосан, халқ хўжалигининг турли соҳалари, қишлоқ хўжалиги соҳаларига ҳайдовчи-мутахассис кадрлар тайёрлаб берилади. Бундан ташқари спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ҳам ташкилотнинг Бухоро вилояти миқёсида 50 та бўлинмаси борлиги, унда 600 дан зиёд курсантлар таълим олишаётгани, ёшларимизнинг 10 дан зиёд спорт турлари билан шуғулланишаётгани эътиборли жиҳатлардандир. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, мотокросс, автокросс, картинг (кичик кўринишдаги пойга автомобиллари), ёзги биатлон, дуатлон, спортнинг авиамодель тури, радиоспорт (алоқа сигналларига доир) кабилар, шунингдек, граната улоқтириш, ўқ отиш, тўсиқлар оша югуриш, қум тўлдирилган яшикларни кўтариб югуриш, энсиз кўтармалар устида югуриш ва бошқа шу каби тўққиз турни ўз ичига олган ҳарбий-амалий кўпкураш ҳам диққатни тортади.

– Картинг, авиамодель, автокросс, радиоспорт каби спорт турларида мусобақалар ҳам ўтказилиб, юқори ўринлар учун мукофотлар ҳам белгиланган, – дейди «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилояти кенгаши раисининг ташкилий-оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари бўйича ўринбосари Геннадий Халимов. – Бундан ташқари 9-10-11 синф ўқувчиларидан иборат ватанпарварлик клублари ҳам ташкил этганмиз. Вилоятимиз бўйича бундай клублар сони 58 тани ташкил этади. Унда кўплаб ёшлар қуроляроғлардан фойдаланиш сирларини, спорт ҳамда жанговар саф тайёргарлиги машғулотларини ўрганишади. Мақсадимиз Қуролли Кучларимиз сафларини ва халқ хўжалиги соҳаларини сифатли мутахассислар билан таъминлашга ҳисса қўшиш. Нокамтарликка йўйманг-у, аммо бизга ҳарбий қисм командирлари ва хўжалик раҳбарларидан етказиб берган кадрларимиз юксак натижалар кўрсатаётганидан хурсанд бўлиб жўнатилган кўплаб миннатдорчилик мактублари тинмай келиб туради. Ана шундай пайтда меҳнатимиз самарасини кўриб, завқланамиз.

«Ватанпарвар»нинг кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келиши, мусобақа жараёнлари тасвирга олиниб, бу асосда бир нечта фильмлар ҳам қилингани, шунингдек, таълим олаётган ёшларга машғулотлар ўз ишининг устаси бўлган фидойи устозлар томонидан изчил олиб борилаётгани, узоқдан келган курсантлар учун эса қулай ётоқхоналар ҳам хизмат кўрсатиши, унинг таркибида шинам меҳмонхона ҳам бунёд этилгани таҳсинга сазовор. Ташкилотнинг Бухоро шаҳар кенгашига қарашли ўқув-спорт техника клубида бўлганимизда, авиамоделчилар секциясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, спорт устаси, халқаро тоифадаги ҳакам Эркин ака Алимовнинг шогирдлари билан машғулот ўтказаётган экан. Курсантлар Фаррух Муродов ва Достон Неъматов устознинг ўгитларини қунт билан тинглашиб, ўзлари мустақил ясаган моделларини бизга намойиш этишди.

Шокир ака Шаропов бошчилигидаги Бухоро автомобиль мактабида бўлганимизда, курсантларнинг сабоқлардан мустаҳкамроқ амалий кўникма ҳосил қилиши учун кўргазмали қуроллар ва техник жиҳозлар воситасида машғулот олиб борилаётганига шоҳид бўлдик.

– Курсантлар ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишишлари учун фидойи ўқитувчиларимиз бор куч ва билимини аяшмайди, – деди мактаб бошлиғи Шокир ака Шаропов устозларга хос улуғворлик билан. – Келажак авлодни қандай тарбияласак, эртага ўзимиз ҳудди шунинг мевасидан баҳраманд бўламиз. Буни чуқур англаб етган ўқитувчиларимиз илм истаб келган ёшларга фанни сидқидилдан ўргатишади. Йўл ҳаракати қоидалари фанидан сабоқ берувчи Амон Саидов, автомобиль тузилишини ўргатувчи Шавкат Ҳамроев каби муаллимларимиздан курсантлар доим миннатдор бўлиб келишмоқда.

– Ҳайдовчи-мутахассисларнинг фанларни мукаммал ўзлаштириши муҳимдир. Зеро, йўл ҳаракати қоидаларини билмаслик техникани бошқариб бораётганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаммаям тасаввур эта олади. Ўзига бириктирилган машинани яхши билиш, яъни техника билан тиллаша олиш эса ҳайдовчиларга фақат фойда келтиради. Қисқаси, мактабимизда сабоқ олишаётган курсантлар ҳар томонлама мукаммал билим соҳиби бўлишлари, чинакам ватанпарвар ўғлонлар бўлиб етишишлари учун меҳнат қилиб толмаймиз, – деди мактаб бошлиғининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Аҳмаджон ака Джалилов. Автомобиль мактабида таҳсил олаётган курсантлар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг ҳам келажак мақсадлари эзгу эканини англадим.

Курсант Феруз Жалилов: – Мактабда соҳа сирларини пухта ўзлаштириб, ҳарбий хизматга бормоқчиман. Яъни олган билимларимни оқлаш, муносиб хизматларим билан жавоб қайтариш, ниятим бор. Кейин эса божхона соҳасида фаолият юритишни хоҳлайман. Устозларимизнинг кўрсатаётган йўл-йўриқларидан, биз курсантларнинг ҳар биримизга оталарча ғамхўрлик қилишидан жуда-жуда шодмиз. Уларнинг юзларини асло ерга қаратмай, фақат энг олдинги сафларда бўлишга астойдил интиламан.

Курсант Нурбек Абдураҳмонов: – Ёшлигимдан техникага оид билимлар, спорт ва жанговар санъатга қизиқар эдим. Бу қизиқиш мени «Ватанпарвар» сари етаклади. Айтиб ўтишим керак, билимим анча ошди. Устозларимиз жуда яхши ўргатишяпти. Келажакда ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, институтда ўқишни ва олган билимларимни ўзимдан кейинги ёшларга ўргатишни хоҳлайман ҳамда бунга чин дилдан ҳаракат қиламан.

Курсант Ўткир Ҳалимов: – Мактабимизда билимларимизни янада ошириш, мустақил шуғулланиш учун кутубхонамиз ҳам борлигидан хурсандман. Ҳар жиҳатдан маҳоратимизни ошириб боришга, ўқиб-ўрганишга имконият ҳам, шароит ҳам муҳайё. Биз ёшларга катта ишонч билан қараб, доим ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Юртбошимизга раҳмат. Олган билимларимни келажакда юртимиз равнақи йўлида хизмат қилишга сарфлаб, жавоб қайтараман, деган умиддаман.

Катта лейтенант Жамшид КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

В ОСО «Ватанпарвар»

С ПОЛЬЗОЙ ДЛЯ ВОЕННОГО ДЕЛА

Учтепинский райсовет ОСО «Ватанпарвар», работая в тесном контакте с различными государственными и общественными организациями, вносит свой весомый вклад в развитие физической культуры и спорта, подготовку юношей к службе в армии. Здесь и в дальнейшем намерены всемерно развивать оборонно-спортивную работу, вовлекая в нее широкие массы допризывной и призывной молодежи.

На отчетно-выборной конференции, состоявшейся здесь, подчеркивалось, что оборонная организация района вносит значительный вклад в подготовку молодежи к службе в армии. Усилилось ее военно-патриотическое воспитание, большое внимание уделяется овладению юношами техническими специальностями, развитию военно-прикладных видов спорта.

Гордостью райсовета является спортивно-технический клуб (СТК), где из года в год серьезное внимание уделяется совершенствованию учебно-материальной базы. Здесь имеются курсы автолюбителей и профессионалов, на которых ежегодно свыше 1000 человек приобретают технические специальности. Хорошо выполняют свои обязанности преподаватели Ш.Насыров, А.Налибаев, инструкторы Х.Аюпов, З.Исмаилов. Работают спортивные кружки и секции. Особой популярностью у молодежи пользуется стрелковый кружок, которым руководит инструктор по спорту Насыр Якубов. А сильнейший спортсмен по автомодельному спорту Иван Андрющенко на чемпионате Узбекистана занял 1-е место. В СТК за отчетный период было подготовлено немало спортсменов-разрядников. Ребята принимали активное участие в районных, городских, областных соревнованиях. Только за год здесь проведено 62 соревнования по различным видам спорта. А участвовали в них свыше 1250 человек.

Большим спортивным праздником в районе стали соревнования среди курсантов СТК по фигурному вождению.

Гордостью района является спортсменка Анна Коробко – учащаяся 194-й школы. Она стала чемпионкой Азии в категории юниоров по летнему биатлону. А до этого – абсолютной чемпионкой Узбекистана, заслужив звание мастера спорта.

Массовому развитию военно-технических видов спорта уделяется большое внимание и в учебных заведениях района, где председателями первичных ОСО «Ватанпарвар» являются преподаватели начальной допризывной подготовки М.Парманкулов, М.Зияев, Н.Шлаев, А.Беляков, В.Зайцев и другие. К каждому празднику здесь проводятся различные соревнования. Хорошо поставлена спортивно-массовая работа в трамвайном депо, где работает много молодежи (председатель первичной ОСО Л.Бондаренко).

– Технические и прикладные виды спорта, – говорит преподаватель НДП М.Парманкулов, – являются важным средством воспитания морально-волевых и психологических качеств, повышения физической закалки, совершенствования технических и спортивных качеств нашей молодежи, готовящейся к службе в Вооруженных Силах страны.

Софья БОГОМАНОВА,
Сергей БУДАЕВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Встреча у короля Иордании

Король Иордании Абдалла II пригласил на завтрак лидеров Израиля и Палестинской автономии, участвующих в Конференции лауреатов Нобелевской премии в иорданском городе Петра. Это первая встреча двух лидеров в этом году, но они не собираются вести переговоры с глазу на глаз, передает ВВС. Обе стороны сообщают, что это неформальная встреча, хотя израильтяне скоро планируют официальные переговоры.

Нарушения прав человека

Американский Союз защиты гражданских свобод выступил с резкой критикой в адрес администрации США за широко распространенную практику нарушения прав человека. Как говорится в документе, «за последнее десятилетие американцы стали свидетелями серьезных ухудшений в плане соблюдения гражданских и политических прав в США». Подготовленный Союзом доклад был представлен в недавно созданный в ООН Совет по правам человека.

Возможен финансовый кризис

Контролер ООН и помощник генсекретаря ООН по вопросам планирования программ, бюджету и счетам Уоррен Сейч предупредил, что Организацию в самом ближайшем будущем ждет финансовый кризис, если Генассамблея не снимет ограничения на использование бюджетных средств. Он предупредил, что нынешние ограничения приведут к тому, что «последний имеющийся в распоряжении доллар Организация потратит к середине июля», напоминает «Интерфакс».

Число жертв возросло

Жертвами проливных дождей и вызванных ими селей и оползней на индонезийском острове Сулавеси по последним данным стали 188 человек. Об этом сообщил руководитель поисково-спасательных работ, сообщает ИТАР–ТАСС. Потоками грязевой воды вперемешку с горной породой и обломками деревьев смыты десятки мостов, разрушены дороги и сотни домов. Ущерб причинен сельскохозяйственным угодьям.

Голодовка в знак протеста

Саддам Хусейн и семеро его соратников объявили голодовку в связи с убийством адвоката Хамиса аль-Обейди. Аль-Обейди, защищавший экс-президента и его сводного брата Барзана ат-Тикрити, был похищен неизвестными в полицейской форме рано утром из собственного дома в Багдаде. В тот же день его нашли убитым. Перед смертью адвоката пытали, обе его руки были сломаны. На теле было восемь огнестрельных ранений, сообщает ИТАР–ТАСС

Затонуло судно

Паром с 120 пассажирами на борту затонул у берегов острова Суматры в западной части Индонезии, сообщил местный чиновник. Трагедия произошла из-за сильной непогоды в этом районе. К месту происшествия направлены спасатели. Чиновник сообщил Reuters, что спасатели пытаются определить местонахождение парома, на котором, как он сказал, было 108 пассажиров и 12 членов экипажа. Среди них, по данным властей, было также двое иностранцев.

Станет ли Земля Венерой

Известный космолог Стивен Хокинг заявил, что из-за глобального потепления Земля может превратиться в Венеру. Он выступил на семинаре в Пекине перед студентами и профессорами. По его мнению, на Земле может в конечном счете произойти то же самое, что происходит на Венере, где температура достигает 250 градусов по Цельсию и идут дожди из серной кислоты, сообщает АР.

Высота цунами 30 метров

На Курильских островах найдены следы древних цунами, высота которых достигала 30 метров. За последние десять тысяч лет катастрофические волны-цунами обрушивались на Курильские острова и Камчатку более пятидесяти раз. Повторяемость цунами силой четыре балла случается раз в 50 –100 лет, а менее слабые – в десять раз чаще. Наиболее разрушительное цунами отмечено в октябре 1952 года, когда почти полностью был разрушен город Северо-Курильск, погибло около 14 тысяч человек.

(www.NEWSru.com).

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

БУГУННИНГ ТАЛАБИ АСОСИДА

Тиббиёт доимо инсон эҳтиёжининг асосий бўғини бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Чунки инсон ҳаёти табобат билан узвий боғлиқ. Унга нафақат касалликни даволовчи омил, балки беморликнинг олдини олувчи восита сифатида қарамоқ лозим. Замонавий медицина олдида турган асосий вазифа ҳам аслида шундан иборат.

Қуролли Кучларимиз шаҳсий таркибининг саломатлигига эътибор бугунги кунда қандай? Буни фақат ижобий баҳолаш мумкин, бизнингча. Чунки касбимиз туфайли ҳарбий госпитал ёки ҳарбий қисм тиббиёт пунктларида бўлганимизда ислоҳотлар сабаб, амалга оширилган катта ўзгаришларга дуч келамиз. Яхшиси бу фикримизни Навоий гарнизони ҳарбий госпитали мисолида изоҳлай қолайлик.

Каттагина майдонни эгаллаган ушбу ҳарбий шифохона мослаштирилган бинога жойлашган. Бироқ излаган имкон топар деганларидек, бу гўшадаги тўртта бўлим шу куннинг талаби асосида таъмирланиб, жиҳозланган. Шифохонада асосий бўлимлардан ташқари физиотерапия, тиш даволаш, лаборатория, дорихоналар ҳам фаолият юритади. Шинамгина кутубхона эса доимо ўқувчилар хизматида. Биз ҳарбий госпитал бошлиғи тиббий хизмат майори Серик Қорабеков етакчилигида даволаш бўлимлари билан танишар эканмиз, алоҳида бинога жойлашган бу бўлимларга катта эътибор қаратилганига гувоҳ бўлдик. Шифохона эллик ўринга мўлжалланган бўлиб, беморларга 19 нафар юқори малакали шифокорлар, 39 нафар ҳамшира хизмат кўрсатади. Билишимизча, аввал юзга яқин беморларни қабул қилган ушбу тиббиёт даргоҳи беморларнинг кескин камайганлигини ҳисобга олиб қисқартирилган. Бу ҳам бўлса миллий армиямиз сафига соғлом ва бақувват ўғлонлар қабул қилинаётганлигидан ва албатта шахсий таркибнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат.

Госпитал бошлиғи билан суҳбат чоғида ҳарбий шифохона Навоий шаҳар марказий касалхоналари билан узвий алоқа боғлаганидан воқиф бўлдик.

– Биз нейрохирургия, гинекология, кўз касалликлари ва болалар касалликлари бўйича шаҳар шифохонаси мутахассисларига мурожаат қилиб турамиз. Чунки госпиталимизга бу касалликлар билан мурожаат қилиш ҳолатлари жуда кам, – дейди бош шифокор суҳбат жараёнида. – Госпиталимизда беморларнинг овқатланиш рационига жиддий эътибор қаратганмиз. Чунки беморлар учун витаминга бой озиқ-овқат маҳсулоти жуда зарур. Шу сабабли шифохонамиз ўз ҳарбий хўжалигига эга. Ҳарбий хўжалигимизда барча турдаги полиз маҳсулотлари етиштирилади. Мевазор боғимиздаги маҳсулотлардан эса беморларга шарбатлар тайёрлаб борамиз. Хўжалигимизда 30 дан зиёд чорва моллари бўлиб, сут, қатиқ ва гўшт маҳсулотлари госпиталимизнинг кундалик эҳтиёжини қондира олади.

Кўриниб турибдики, беморларнинг соғлом оёққа туришлари учун бу гўшада нафақат замонавий тиббиётга, балки ҳар бир жараёнга эътибор катта. Соя-салқин, озода ва тартибли шифохона ҳовлиси эса доимо назоратда. Бу ишларнинг бошида турган госпитал бошлиғи тиббий хизмат майори Серик Қорабеков ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу тажрибали жарроҳ 1994 йилдан буён шу гўшада хизмат қилиб келади. Дастлаб жарроҳлик бўлими бошлиғи, 2002 йилдан буён эса ҳарбий шифохона етакчиси. Албатта мослаштирилган бинога доимо эътибор зарур. Бу борада бош шифокорнинг ўта талабчан, тиниб-тинчимас ва меҳнаткашлиги муаммолар келиб чиқишининг олдини олади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, посбонларимиз саломатлигига камарбаста бўлиб келаётган Навоий ҳарбий госпитали бугуннинг талаби билан қадам ташлаяпти.

Зулфия Носиржон қизи.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ҳарбий аёллар

КАЛОМИДИР БЕМОРГА МАЛҲАМ

Ҳарбий либосли аёллар ичида тиббий хизмат ҳамшираларининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, ҳаётга умид кўзи билан боқиб турган беморнинг қайта оёққа туриб, аввалги ҳолатига қайтишида уларнинг хизматлари беқиёс. Инсонлар саломатлиги йўлида қайғуриб, хаста қалбларга нажот бахш этиш мақсадида Раҳима опанинг эгнига оқ либос кийганига ҳам яқинда йигирма тўрт йил бўлади.

– Буни қаранг, умрни оқар сувга бежиз менгзашмас экан, – дейди суҳбатдошим тиббий хизмат кичик сержанти Раҳима опа Жўраева. – Назаримда, кечагина Марғилон шаҳар тиббиёт билим юртини тугаллаб, шифохонада иш бошлагандайман. Ёшлигимда олий тоифали врач бўлишни орзу қилганман. Лекин дадам Андижонга бориб ўқишимга қаршилик қилганларидан кейин Марғилонда акушерлик бўйича таҳсил олдим.

Раҳима опа дастлаб фаолиятини Фарғона шаҳридаги вилоят туғруқхонасида бошлади. Бу ерда чақалоқларнинг соғ-саломат туғилиб, кўплаб оилаларда бола кулгусининг янграшига ҳисса қўшган опа бир неча йил фидойиларча ишлади. Укаси Баҳодир ҳарбий либос кийиб, юрт осойишталиги йўлида хизмат қила бошлагач, Раҳима опанинг қалбида ҳам ушбу соҳага меҳр уйғонди. Шунда у ҳарбий соҳада ишлаш ниятн борлигини укасига айтди. Аммо масъулиятли ва мураккаб ҳарбийлик касбида опасининг хизмат қилишини истамай, унга айни пайтда ишлаб турган соҳаси жуда қулайлигини тушунтирди. Касб масъулияти ва машаққати ҳақида Баҳодирнинг бу маслаҳати опани сира чўчитмади, қайтанга ҳарбийликка бўлган қизиқишини янада орттирди. Энди ортиқ кутолмасди. Ниятини оила бошлиғи билан ўртоқлашишга қарор қилди. Ҳаётда ҳамиша рафиқасини ардоқлаган Ўринбой ака унинг орзу-ҳавасларига ҳеч қачон бефарқ эмасди. Шу боис ҳам оила бекасининг қарори қатъийлигига ишонч ҳосил қилгач, ундан ўз ёрдамини дариғ тутмай, қўллаб-қувватлади. Ҳар қандай қийинчиликларга мардона боқиб, кўзлаган мақсадига эришган Раҳима опа тиббий хизмат ҳамшираси сифатида илк фаолиятини Шарқий ҳарбий округ госпиталининг онкология бўлимида бошлади. Касбини қадрлаб ҳар қандай ҳолатда ҳам бемор қалбига йўл топа олган тиббий хизмат кичик сержанти Жўраева айни чоғда мазкур госпиталнинг жарроҳлик бўлимида катта ҳамшира сифатида хизмат қилмоқда. Бир неча йилдан бери инсонлар саломатлиги йўлида тунни-тонгга улаб, ҳар бир бемордан ўзининг ширин сўзини аямасдан келаётган ҳамширани нафақат беморлар, балки ҳамкасблари ҳам ҳурмат қилади.

– Бажараётган хизмати ҳар қанча оғир бўлмасин, Раҳимахоннинг бирор маротаба чарчадим деганини ёки беморлар олдида тушкун кайфиятдалигини кўрмаганман, – дейди жарроҳлик бўлими бошлиғи подполковник Насим Маҳкамов. – У доимо ҳар бир бемор билан самимий муомала қилади. Аслида ҳамшира ана шундай бўлиши керак. Чунки бемор учун айтилган ҳар қандай самимий сўз уларнинг янада қисқа даврда оёққа туришига хизмат қилади.

Дастлаб жарроҳлик бўлимида шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Баҳодир Ғаниев ҳамда Ҳаётхон Абдураҳмонова каби малакали шифокорлардан касб сирларини ўрганган Раҳима опа айни пайтда Холида Абдуллаева, Ёркиной Сатторовадек касбига меҳр қўйган истеъдодли ҳамшираларга ўз билим ва малакаларини ўргатиб келмоқда.

Кун мобайнида беморлар соғлигини ўйлаб, уларни муолажа қилиб чарчаган Раҳима опа уйига қайтганида унга бир нарса қайта куч бағишлайди. Бу ҳам бўлса унинг аҳил оиласи. Ҳа, айтганча, оиланинг тўнғич фарзанди Илёс онасидек ҳарбий либосда халқ, юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишни дилига тукқан. У айни дамда Фарғона Давлат университетининг ҳарбий кафедрасида таҳсил олмоқда. Оиланинг кенжа фарзанди Элбек эса компьютер бўйича мутахассис. Улар ҳам оила бошлиқлари сингари юртимиз тараққиёти йўлида ўз ўрнини яратишни исташади. Фарзандларининг кўзларига ҳар сафар боқиб, уларнинг истиқболли йўлларини кўра олган она шунқорларидан фахр ҳиссини туяди.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ҳамширалар танлови

СОҒЛИҚ ПОСБОНЛАРИ

Яқинда Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий клиник госпиталида ҳамшира қизлар ўртасида танлов бўлиб ўтди. Қизлар икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро куч синашиб, билим ва маҳоратларини намоён қилдилар.

Танловни госпитал бошлиғининг ўринбосари, тиббий хизмат подполковниги Низомиддин Худойқулов кириш сўзи билан очиб, барча ҳамшираларга омад тилади.

Танлов беш босқичдан, яъни танишув ва бизнинг рамз, касб маҳорати, касбга оид тестлар, менга жавоб беринг ҳамкасб, уй вазифаси шартларидан иборат эди.

Қизларнинг чиқишларини малакали шифокорлардан тузилган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди. Танловда барча ҳамшира қизлар фаоллик кўрсатиб, билим ва иқтидорларини намойиш этдилар. Ҳар бир шарт бўйича чиқишлар иштирокчилар олқишига сазовор бўлди.

Қизиқарли ва муросасиз ўтган баҳсларда ҳамшира қизлардан Сауле Жўраева, Эллина Салимова, Анна Лабутиналар «Касб маҳорати» шартида юқори натижа кўрсатган бўлсалар, Камола Сайдуллаева, Гавҳар Худайназарова, Шаҳноза Дерембетовалар «Касбга оид тестлар» шартида ўз билим савияларини ижобий намоён этишди.

Аммо танлов ўз номи билан танлов. Унда кимдир ғолиб, кимдир мағлуб бўлиши табиий. Ҳамма ҳаяжон билан кутаётган вақт келди, ҳакамлар ҳайъати шартлар бўйича ҳамшира қизларнинг чиқишларини одилона баҳолаб, ғолиб ва совриндорларни эълон қилдилар. Унга кўра ҳамширалар Шаҳноза Дерембетова ҳамда Галина Малютиклар 3-ўринга, Камола Сайдуллаева эса 2-ўринга сазовор бўлишди. Госпиталнинг «Энг илғор ҳамшираси» номига Эллина Салимова муносиб деб топилди.

Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли жамоасининг шўх куй ва қўшиқлари даврага ўзгача файз бағишлади.

– Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, – дейди биз билан суҳбатда госпитал бош ҳамшираси сержант Шаҳло Акбарова, – ҳамшира қизлар билим савиясини янада ошириш, зуколикка, чаққон ҳаракат қилишга ва ўз устида ишлашга, халқимизнинг миллий анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан қарашга ўргатиш, ҳамширалик касбига меҳр-муҳаббат уйғотишдан иборатдир.

Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган танлов сўнгида, ғолиб ва совриндорларни госпитал бошлиғи тиббий хизмат полковниги Шарофиддин Гулямов самимий табриклаб, диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинаётган бу танлов ҳамшира қизларнинг касб билимларини оширишда, ўз вазифаларини қалбдан бажаришларида катта ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Интеллектуал беллашув

«АЖОЙИБ ТЎРТЛИК»

«Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда», деганди Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида.

Дарҳақиқат, шаклланиш ва тобланиш маскани – ҳаёт мактаби инсонни нафақат жисман, балки ақлан ва маънан чиниқтиради. Унинг дунёқараши, фикрлаш тарзини бойитади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги мақсадларга хизмат қилувчи ҳар хил тадбирнинг бу борадаги ўрни муҳимдир. Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида айнан шундай тадбирлардан бирининг гувоҳи бўлдик.

«Ажойиб тўртлик» дея номланган ҳарбийлар ўртасидаги интеллектуал беллашувда турли жамоалар вакилларининг (ҳар жамоада тўрт нафар иштирокчи) билим салоҳияти, топқир ва зукколиги синовдан ўтди. Бешта шарт: адабиёт, география, бекитилган сўзни топиш, сардорлар беллашуви, савол-жавоблар орқали Ватан ҳимоячилари ўткир зеҳн, кенг дунёқараш соҳиблари эканликларини намойиш этишди.

– Барча шартлар ичида менга айниқса, адабиёт шарти жуда маъқул бўлди, – дейди офицер Нодиржон Ашуров хизмат қилаётган ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Акмал Турғунов. – Сабаби, унда ўзбек адабиёти ўлмас асарларидан парчалар келтирилади. Иштирокчилар эса асарнинг муаллифи ҳамда номини топишлари зарур. Бундай топшириқлар инсонни китоб мутолаасига янада қизиқтириши билан бирга, адабиётни катта эътибор билан жиддий ўқишга чорлайди.

– Менга эса кўпроқ савол-жавоблар шарти манзур бўлди, – дейди десантчилар жамоаси вакили муддатли ҳарбий хизматчи Алишер Мамасиддиқов. – Чунки унда қисқа вақт ичида берилган саволларга аниқ, лўнда жавоб бериш керак. Бу эса кишидан нафақат турли соҳаларга доир маълумотлардан хабардор бўлишни, балки улардан керакли пайтда фойдаланиш, тез фикрлашни талаб этади.

Интеллектуал беллашувни Чирчиқ гарнизони офицерлар уйи бошлиғи офицер Александр Налибаев раислигидаги ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди. Тадбир сўнгида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Маълумки, «Ажойиб тўртлик» сингари ақл беллашувларидан кўзланган асосий мақсад – ҳарбий хизматчиларни, айниқса ёш аскарларни турли билимларни ўзлаштиришга яна қизиқтириш, уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда маънавий озуқа олишларини таъминлаш, қолаверса, кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилишдир. Ўйлашимча, кўзланган мақсадга пухта тайёргарлик ва ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан эришилмоқда.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Миллий матбуотимизнинг қутлуғ санасига

МАЪРИФАТЛИ ДИЁР УЧУН

27 июнь юртимизда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади. Агар матбуот тарихига назар ташласак бундан роппа-роса 100 йил олдин, 1906 йил 27 июньда Туркистон жадидлари ташаббуси билан ўзбек матбуотининг илк намунаси «Тараққий» дунё юзини кўрди. «Тараққий»нинг бош муҳаррири Исмоил Обидий бўлган. Абдулла Авлоний «Тараққий» тез орада оғизга тушиб шуҳрат қозондики, ҳатто Исмоил Обидийга «Тараққий» исми берилди», – деб ёзади.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керакки, Туркистонда маҳаллий тилда чиққан биринчи газета «Туркистон вилоятининг газети» эди. Бироқ бу газета миллий ўзбек матбуотининг намунаси бўлиши мумкин эмас эди. Чунки бу газета йўриқчиси Н.Остроумов эди.

«Тараққий» халққа, ёшларга жуда керак эди. Газета ана шуларни ҳисобга олиб, ўз саҳифасидан ёшларга кенг ўрин берди. 1906 йилнинг сентябрида Мунаввар қори муҳаррирлигида иккинчи газета «Хуршид» пайдо бўлди. Кейинчалик Абдулла Авлоний бошчилигида «Шуҳрат», «Тужжор», «Осиё» газеталари ҳам чиқа бошлади. Бироқ айрим сиёсий сабабларга кўра газеталар бекитилди. 1913 йил Самарқандда «Самарқанд», 1913-1915 йилларда «Ойина» журнали чиқди. Тошкентда «Саройи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталари, «Тирик сўз», «Турон» журналлари чиқди.

Бу газеталарнинг асосий ижодкорлари, фаол қатнашчилари жадидлар эди. Чўлпон, Ҳамза, Мунаввар қори, Саидрасул Азизий, Абдулла Авлонийлар ўз шеър, ҳикоялари билан иштирок этдилар. Бундан ташқари бу газеталар Туркистонни маърифатга эришган мустақил диёрга айлантириш ғояларини тарғиб қилдилар.

Юртимизда муборак Мустақиллик туфайли матбуот эркинлиги таъминланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган вазирликлар, партия, уюшма, университет, лицейлар ўз матбуот нашрларига эга.

1993 йилдан буён нишонланиб келинаётган «Матбуот ва ОАВ ходимлари куни» журналистлар, улар хизмати давлат эътиборида эканлигини эътироф этади.

Машҳура СУЛТОНОВА,
ЎзМУ талабаси.

ЖОНКУЯРЛИК НАМУНАСИ

Юртимизнинг турли маҳаллаларида бўлаётгани сингари ҳарбий шаҳарчаларда ҳам фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда. Пойтахтимиздаги «Ҳарбийлар» маҳалласи ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур тадбирга бағишланган йиғилишда офицер Абдумажид Мадраҳимов, Ҳамза тумани ҳокимияти вакиллари Озод Шоумаров ва Умида Дўстмуҳаммедова, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар иштирок этишди. Қатнашчиларнинг кўпчилик овози билан Деҳқон Қурбонов маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

Таъкидлаш жоизки, «Ҳарбийлар» маҳалласи фуқароларининг бу каби тадбирларда фаол иштироки маҳалла ҳаёти ва тақдирига бефарқ эмаслиги, жонкуярлиги намунасидир.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.

МАЪНАВИЯТ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Лобар ва гўзал қизлар саҳифасининг бу галги меҳмони Ангрен шаҳридан Юлдуз Чориева бўлади.

Бу шаҳло кўзлар ва бетакрор ҳуси соҳибаси айни пайтда Ангрен шаҳар мудофаа ишлари бўлимида инспектор вазифасида хизмат қилади. Тумандаги компьютер технологияси ва ахборотлаштириш касб-ҳунар коллежида ўқиб юрган кезлари ўзининг тиришқоқлиги ва юксак ақл заковати билан устозларининг меҳрини қозонган Юлдуз иш фаолиятида ҳам ишончни оқламоқда.

Муҳаббатга йўғрилган ҳинд фильмлари ҳамда шарқона одоб-ахлоқни тарғиб қилувчи корейс телесериалларининг ашаддий ишқибози бўлган малоҳатли бу қизимизга пазандалик бобида ҳам унча-мунчаси бас келолмайди. Унинг меҳр билан пиширган палов и ва уйғурча лағмони ҳар қандай дастурхонга безак бўлиш баробарида, энг нозиктаъб меҳмонларнинг ҳам иштаҳасини очиши шубҳасиз.

Юлдузнинг бирдан-бир эзгу мақсади эса киндик қони тўкилган шу азиз Ватаннинг истиқболига ўз ҳиссасини қўшишдир. Хайрли мақсад сари интилаётган ангренлик бу соҳибжамолга фақат омад ёр бўлишини тилаймиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

ЗАБОТА О ШКОЛЬНОЙ МОЛОДЕЖИ

Каждый новый учебный год тысячи ребят приходят в новые или капитально отремонтированные учебные классы. Это — результат проводимой в стране Государственной общенациональной Программы развития школьного образования на 2004-2009 годы.

Согласно этой программе в Туракурганском районе Наманганской области в нынешнем году намечена реконструкция и ремонт семи учебных заведений, в том числе школа № 32 в кишлаке Шаханд. Основной учебный корпус на 840 учащихся приобретает новый современный облик. Рядом с ним быстро возводится еще одно здание на 210 мест. Шахандская школа будет оснащена современным учебным и лабораторным оборудованием.

— Наши строители уже завершают отделочные работы, - говорит председатель общества с ограниченной ответственностью "Бинокор" Рашид Кузибаев. - К середине июня выполнено работ на сумму свыше 260 миллионов сумов. К началу августа объект будет сдан в эксплуатацию.

Ильхом РАЗЗАКОВ,
корр.УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд ТОИРОВнинг мазкур шеъри Ватан ҳақидаги гўзал қўшиқдир.

ВАТАН

Ўйласам ўйимдан боллар томади,
Боғлари баҳорни соғинган диёр.
Меҳрим бешигида куй тўлғонади,
Менинг ҳам айтажак қўшиқларим бор.

Кўрдим, кўзларидан соғинчлар оққан,
Осмонингни ўпиб келар турналар.
Заминда ям-яшил аланга ёққан,
Чақмоқлар сасидан олам уйғонар.

Мудроқ нигоҳларнинг болишларига,
Ялпизларнинг иси томганда чак-чак.
Қалдирғочнинг тонгги хонишларига,
Наздимда тошлар ҳам уйғонса керак.

Онам дуосида тинчлигинг тилар,
Фарзандим юзида кулгичинг кўрдим.
Бағрингга ботган темир тобутлар,
Сойларнинг тошига бошимни урдим.

Армонлар бағридан олган эркингни,
Ютоқиб боламдек бағримга босдим.
Дунё пештоқига қадалди туғинг,
Ватаним, болангман, дунёча ўсдим.

Истиқлол кўзлардан тўкилган алёр,
Қувончим шаршара, оқади дилим,
Темур юрагида юз очган диёр,
Сени Темур руҳи қўлласин, элим!

ЗАГАДОЧНАЯ «СТРАНА» НУРАТАУ

ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

II боб. АРМИЯ ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШУВ

(Давоми. Боши газетанинг 23-, 24-сонларида).

Ҳаммаси ортда қолди. Поезд белгиланган вақтда станцияга кириб келди. Яна автобусларга чиқишди. Қандайдир ҳарбий қисм ҳудудига етиб келгач, тушиб яна сафланишди.

– Бу ернинг озодалигини қара, – деди Алишер Баҳромга, – ҳаммаёқ тартибли, топ-тоза. Лоақал битта писта пўчоқ кўринмайди.

Штаб биноси олди гулзор эди. Асфальтланган майдонлару йўлаклар чипчиннидек ярақлайди.

Уларни ана шу ерга олиб келиб, сафга тизишди. Штабдан ўрта ёшлардаги бир подполковник чиқиб келди. Улар билан сўрашди, танишди. Кейин ҳаммаларини клубга олиб боришни тайинлади.

Клубга борадиган йўл ҳам чиройли эди. Оқ рангли тўртбурчак чизиқлар билан ажратилган майдончалар, нарироқда жисмоний тарбия билан шуғулланишга мослаштирилган спорт майдончаси, клубнинг ўзи ҳам ниҳоятда батартиб, озода эди.

Ана шу ерда уларни қисм командири қарши олди. У ҳарбий қисмнинг тарихи, босиб ўтган йўли, анъаналари, аскарларнинг ютуқлари, шунингдек, қисмнинг тизимлари билан таништирди. Шундан кейин, боя улар билан танишган подполковник гапирди. У тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари экан. У ҳар иккиуч кунда уйдагиларга хат ёзиб туриш, ҳарбий кийим-кечакларни кийиш, кун тартиби, умуман ҳарбий тартиб ҳақида сўз юритди.

Шундан кейин ҳаммаларини ҳаммомга бошлашди. Ювиниб чиқишгач, ҳарбий кийимлар тарқатилди.

Уларга биттадан совун, мочалка ҳам беришди. Бу сингари тафсилотлар балки кимгадир майда-чуйда гапдардек эриш туюлар. Аммо шуниси ҳам борки, армия ҳаётида ортиқча тафсилотлар бўлмайди, у ердаги тартиб-интизомнинг ўзи ипидан игнасигача ҳамиша нимагадир хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам, бунақа икир-чикирларни билиб қўйиш ҳамма учун, аксарият ҳарбий хизматга тайёргарлик кўраётган йигитлар учун ҳам фойдали ва қизиқарли бўлиши аниқ!

Шундай қилиб, йигитлар кўпдан орзу қилган ҳарбий формалар тарқатилгач, яна одатдаги «Сафлан!» командаси берилди.

Очиғи, Алишер аскар кийими олган, ўзлари билан бирга келган йигитларни таниёлмай қолди. Турган гап, ҳаётда биринчи марта бунақа кийимларни кийганлари учунми, қовушиша олмас, айримлари ҳатто камарларини қандай қилиб тортиб боғлашни ҳам билишмас, қўлларини қаерга қўйишни ҳам билмай довдираб қолганлари ҳам кўп эди.

– Қалай? Формам ярашибдими? – шивирлади Баҳром у билан ёнма-ён бораркан. – Кўникиш қийинроғу, лекин ёмонмас-а? Менга шунақа, ола-була гулли форма жуда ёқади-да! Буталар орасида «маскировка» қилиб яширинганда топиб бўлишибди!

– Ҳа, ҳали машғулотларда яширинишга улгурасан! – жилмайди Алишер.

«Сафлан!» командаси яна такрорланди, ҳамма шошиб сафга тизила бошлади. Янги келган йигитчалардан бири «Қаёққа қараб сафланамиз?» деганди, бошқалар кулиб юборишди. Афтидан у, командани маъносига ҳали тушуниб етмаганди.

– Такрорлайман. Сафланинг! – қичқирди яна сержант йигит қовоғини уюб. – Қулоқ борми ўзи? Икки қатор бўлиб сафланинг!

Негадир ҳамма биринчи қаторга туришга уринаётганини кўриб, сержант индамай уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турди-турдида, кейин «Жуда секин сафланаяпсизлар», дея тўнғиллаб қўйди. Шундан кейин, эринмасдан бармоқ учларини қандай қилиб чаккага тегизиб саломлашишдан тортиб, ёқа тугмаларини қадашгача, камарнинг ялтироқ тўқаси қаерда туришдан тортиб, ботинкаларнинг иплари қандай боғланишигача, ҳамма-ҳаммасини тушунтириб, такрорлашни буюрди. Ниҳоят, ўқув машғулоти ниҳоясига етди. «Унгга қадам бос», деган командалар остида ҳаммаларини казармага бошлаб кетишди.

Янги чақирилганлар уч қаватли казарманинг биринчи қаватига жойлаштирилди. Канцеляриядан капитан унвонли офицер чиқиб улар билан саломлашди. Бояги сержантни биринчи взвод старшинаси сержант Анвар Ортиқов деб таништирди.

Шундай қилиб, уларнинг то Ҳарбий қасамёд қабул қилгунга қадар ана шу казармада яшашлари маълум бўлди.

Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ўттиз киши атрофида эди. Взвод командири бўлса керак, капитан унвонли йигит улар билан саломлашди, кейин уларни май ойининг охирларигача, то «Ҳарбий қасамёд» қабул қилгунларига қадар шу ерда яшашларини, бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтишлари, шундан кейингина бўлинмаларга тақсимланишлари ҳақида гапирди.

Буни эшитиб Алишер «Зўр-ку!» дегандек Баҳромга шипшиб қўйди.

Танишув тугагач, сержант Ортиқов ёш аскарларни казармага бошлаб кирди. Каравотлар тизилишган, ниҳоятда тартиб билан жойлаштирилган ўринларни кўрсатди. «Ҳар куни кеч соат 22.00 да ётиб, эрталаб соат 6.00 да туришлари» ни таъкидлаб ўтди.

«Қизиқ! – ўйлади Баҳром. – Шунчалик вақтли туришни нима кераги бор?»

Қисқаси, казарма ёш аскарларда катта таассурот қолдирди. Бу ердаги тартиб-интизом, қонун-қоида илгари улар ўрганган «кун тартиби»га сира ўхшамасди. Ҳар бир аскарнинг ўз ўрин-тўшаги, ёстиқ, чойшаб, тумбочкаси, сочиқлари, қўйинги, оёқ кийимларини тозалайдиган чўткалардан тортиб, қалам-дафтар-у, конвертларгача доим тахт туриши керак экан.

Шундан кейин улар бошқа хоналарга киришди. «Снёсний ўқиш» хонаси, «Дам олиш хонаси» билан танишишди.

Сержант «Саволлар борми?» деганди, Баҳром қўл кўтариб, «Якшанба кунлари соат еттидан кейин бирпас ухласа бўладими?» деганди, йигитлар кулиб юборишди.

Сержант «Йўқ, – деди ва жиддий оҳангда қўшиб қўйди. – Бу ерда кун тартиби ҳамма учун бир хил. Ҳамма баравар ётиб, баравар туради...»

«Кечирасиз, масалан, мен ўзимни оғайним билан ёнма-ён каравотда ётсам бўладими?» – сўради Алишер.

Сержант бу саволдан ҳайрон бўлганди, Алишер тушунтирди:

– Биз бир шаҳарданмиз... Бирга катта бўлганмиз, бу ердаям бирга бўлсак дегандим!

– Қаршилигим йўқ! – деди сержант ва беш дақиқадан сўнг ҳамма тушлик учун сафга тизилишини айтиб, тарқалишга рухсат берди.

– Сержант қанча қизиқ нарсаларни айтиб берди-я, – деди Алишер худди ўзўзига гапиргандек.

– Шароитлари яхши экан, – деди бошқа бир аскар йигитча. – Худди телевизорда кўрганимиз «Ватанпарвар» кўрсатувидагиларнинг ўзи!

Кўп ўтмай яна «Сафлан!» деган таниш команда эшитилди. Йигитлар яна сафга тизилишиб йўлга тушишди. Улар ҳали сафда юришни яхши билишмас, кимлардир тез-тез қоқилиб тушар, кимлардир ҳар қадам қўйганда олдинда кетаётганларнинг оёқларига оёғи урилиб мункиб кетарди. Сержант ошхонадаги тартиб ҳақида ҳам ахборот берди.

Катта зал, қатор тизилган стол-стуллар, ҳаммаси озода ва жуда тартибли эди. Уларга қуюқ-суюқ овқатлар тортишди, орқасидан мева шарбати берилди.

Ошхона деворларига ранг-баранг плакатлар ёпиштирилган, шифтдаги шамол пурковчи паррак айланиб ғувиллаб турар, столлардаги дастурхонлардан тортиб, деразалардаги пардаларгача оппоқ, топ-тоза эди.

«Худди шаҳардаги қаҳвахоналарнинг ўзи!» – хаёлидан кечди Баҳромнинг буларни кўриб.

Бу ерда тартиб бошқача экан. Одатда, шаҳардаги ошхоналарда одамлар ебичиб, идиш-товоқларни истаган жойда қолдириб кетаверадилар. Бу ерда бўлса, ҳар бир аскар ўз идишларини стол четига, навбатчилар йиғиштириб олишга қулай қилиб қўйишлари керак экан.

Тушликдан кейин уларга ярим соат бўш вақт эълон қилинди. «Дам олиш майдонча» сига тарқалишди. Йигитларнинг биринчи таассуротлари жуда яхши эди. Улар ўз таассуротларини бир-бирларига айтиб бериш иштиёқида ёнардилар. Ким чекди, ким гапирди, ким қулоқ солди. Шу тахлит ҳийла ўтирдилар.

– Ёмон шаҳарча эмас экан, – деди аскарлардан бири. – Дарахтлар ҳам, гуллар ҳам кўп экан.

– Менга ётоқхона ёқди, – деди Баҳром. – У ердаги катта аквариумни, унинг ичидаги балиқларни кўрдингларми?

– Телевизор ҳам бор экан, – деди бошқа йигитча, – видеомагнитофони билан. Энди видеолар ҳам кўрсак бўлади.

– Ҳа-а, – кулди бошқа йигитча. – Ўша ерга кўрпача ёзволиб, томоша қилиб ётаверасан!

Буни эшитиб, йигитлар кулишди.

Ярим соат кўз очиб, юмгунча ўтиб кетди. Яна «Сафлан!» командаси янгради. Энди уларни тиббий кўрикдан ўтказгани олиб боришди. Текширув икки соат давом этди.

– Сен у ердаги ҳамшира қизни кўрдингми? – сўради Алишер у ердан чиқиб келишаётганда, – жуда кетворган экан-а?

– Нима қилибди? – тушунмади Баҳром.

– Уни менга қанақа қараганини ҳам сезмадингми? – яна сўради Алишер.

– Билмасам, – елка қисиб қўйди Баҳром, – у ҳаммамизга қаради шекилли!...

Шундан кейин Алишер сержантдан «Бу ерда чой ичадиган жой борми?» деб сўраганди, сержант кулди:

– Бу қанақаси, ўртоқ аскар? – деди қошларини чимириб. – Бугун келибоқ чойхона билан қизиқиб қолдингиз?

Алишер хижолат тортганини кўрган сержант:

– Бор, чойхонамиз бор, – деди-да, кейин: – Лекин ҳозир «чойхона» га эмас, «ижтимоий-сиёсий ахборот» хонасига борамиз, ҳамма ўз уйига, ота-онасига хат ёзади. Уйингиздагилар хавотир олиб ўтиришгандир!» – деб қўшиб қўйди.

Буёғи кун тартибида белгиланган-дек бўлди. Ҳамма йигитлар ўтириб уйларига хат ёзишди. Кечки овқатдан кейин телевизорда «Ахборот» дастурини томоша қилишди. Энг қизиғи, кечки пайт сержантнинг куртка ёқасига оқ ёқа тикишни ўргатиши бўлди. Айрим йигитчалар игнаипни ишлатиш тугул, қандай қилиб ушлашни ҳам билишмас экан.

– Аскарлар ҳамма нарсани қила олиши керак, – деди сержант Ортиқов кулимсираб. – Аскар ҳар бир дақиқанинг қадрига етиши керак! Оқ ёқани тикиш учун сизларга бор-йўғи ўн дақиқа ажратилган. Шу вақт ичида улгуришинглар керак...

Шундан кейин унинг ўзи бу ишни қандай қилишни чаққон ҳаракатлар билан кўрсатиб берди.

Аскарлар кечқурунги сайр пайтида бутунлай бошқача манзарага гувоҳ бўлишди.

Энг диққатга сазовор томони, бу ерда улардан ҳам бошқа жуда кўплаб бўлинмалар бор экан. Сафланиб ҳали у ёққа ўтишади, ҳали қўшиқлар айтиб бу ёққа ўтишади. Уларга жуда ҳаваслари келди. Сержант эса эртагаёқ улар ҳам қўшиқлар ўрганишларини айтди.

Буёғи яна «кун тартиби» бўйича давом этди. Казармага кириб, йўлакда икки қаторга тизилишди. Сержант ҳамманинг исм-фамилиясини айтиб рўйхатни ўқиди. Шундан кейин оёқ-қўлларини ва тишларини ювиб, кийим-кечакларини тартиб билан тахлаб қўйишлари учун чорак соат вақт берилди.

Худди эрталаб айтилганидек бўлди. Соат кечки ўнда чироқлар ўчирилиб, ҳамма ўз ўрнига ётди. Аммо анчагача ҳеч кимнинг уйқуси келмаётганини, йигитларнинг бунақа тартибга ҳали кўникмаётганлари сезилиб турарди.

– Негадир уйга кетиб қолгим келаяпти, – деди Баҳром шивирлаб.

– Жиннимисан? – ҳайрон бўлди Алишер. – Қачон аскар бўларканмиз, қачон армияга бораркамиз, деб юргандинг-ку? Кел, ўхлаймиз!

– Уйқум келмаяпти, оғайни, – яна хўрсинди Баҳром. – Эрталабдан бери бошим айланиб кетди. Ҳали ҳаммом, ҳали тиббий кўрик, ҳали тушлик, ҳали кечки овқат, уёқда кечки сайр, «Сафлан!», «Тарқал!», «У ёққа қара!», «Бу ёққа қара!»... ҳеч шу командаларга кўниколмаяпман...

– Бу армия, оғайни, – шивирлади секин Алишер. – Бу ер катта холангни уйи эмас. Ҳамма нарса буйруғ-у ижро билан қилинади...

Ана шу ерда уларнинг суҳбати узилиб қолди. Каравотлар орасида йигитларнинг жойлашганларини, кийим-кечакларни қандай тахлаганини текшириб юрган навбатчи офицер кўринди. Йигитлар дарров кўзларини юмиб олдилар.

Биринчи кун шундай ўтди...

Полковник Баҳодир ҒАФУРОВ.
(Давоми бор).

Кўнгилга ташриф

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРАДИГАН ЙИГИТ

– Икром ака, ижод оламига қандай кириб келгансиз?

– Ёшлигимдан қалам тутиб, шеър, ҳар хил ҳикоялар ёзишни машқ қилиб юрардим. Машқларим туман газеталарида чоп этилган. Кўнглимда очилган ҳавас мени шу соҳада мукаммал билим эгаллаш учун университетга етаклади ва бахтим чопган экан, журналистика факультети талабаси бўлдим. Талабалик йилларим Республика радиосининг «Келажак тонги» эшиттиришида иштирок этиб, малакали устозлардан сабоқ олиш билан давом этди. Университетни тугатгач, радионинг «Ахборот» бош муҳарририятига ишга кирдим. Бир кунда уч-тўртта тадбирларни ёритиш зиммамга юклатилган, бундан ташқари ўз ижодимни ҳам давом эттиришим зарур эди. Хуллас, тинмай ҳаракат қилардим. Бу изланиш ва машаққатлар менинг ўз йўлимни топишимда, шаклланишимда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Кейинроқ ижодимни телевидениеда давом эттира бошладим.

– Телетомошабинлар «Қилни қирқ ёриб» кўрсатувини катта қизиқиш билан кутиб олишди ва ҳозир ҳам мириқиб томоша қилишади. Бошқа детектив кўрсатувлар ичида унинг ўз ўрни бор. Айтингчи, мазкур кўрсатувнинг туғилиш жараёни қандай кечган?

– Бу катта меҳнат ва узоқ изланиш самараси. Кўрсатув эфирга чиққунга қадар икки йил фақат машқ қилганмиз. Унда бўладиган саволлар, шакли, йўналиши, иштирокчилар ва бошқаларини бир қолипга туширгунча шунча вақт ва меҳнат сарфладик. Бошида кўрсатувни «Детектив-шоу» деб номламоқчи бўлгандик. Аммо устозимиз Хуршид Даврон «Қилни қирқ ёриб» деб қўйсангиз қандай бўларкин, деган таклиф билдирди. Бу ном барчамизга маъқул келди ва мана, тўрт йилдан буён шу ном билан эфирга чиқяпмиз. Биласизми, кўрсатувни бошлаганимизда унда иштирок этишни хоҳловчилар сони жуда кўпайиб кетган эди. Ҳар бир ишни бошлаб олиш қийин. Кўз қўрқоқ – қўл ботир деганларидек, яхши натижаларга ҳам эришдик.

– Журналист доимо атрофидаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш билан бирга ҳамкасбларининг ҳам ижодини ўрганиб турса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Сиз кимлардан ўрнак оласиз ёки ижодига қизиқиш билан қарайсиз?

– Мен телевидениеда ҳам ижодий, ҳам инсоний фазилатлари намунали бўлган Хайрулла Ҳамидовни ҳурмат билан тилга оламан. У машҳурлик учун эмас, балки томошабинларга фойдам тегсин, дея меҳнат қилади. Бунинг устига жуда камтар. Бундан ташқари Гулмира Мусажонова, Нодир Жонузоқ, Элмира Раҳматуллаева, Нилуфар Умрзоқова, Нозима Воҳидовалар ҳам ана шундай эъзозга муносиб инсонлар. Уларнинг тайёрлаётган кўрсатувлари томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайди.

– «Қилни қирқ ёриб» деган китоб ҳам чиқарибсизлар.

– Ҳа, ушбу асарни сарҳисоб десак ҳам бўлади. Унда тўрт йил давомида кўрсатувда фойдаланилган саволлар, қизиқарли ривоятлар ва жавоблар ўрин олган. Ўқувчилар томонидан яхши кутиб олиняпти, назаримда. Мухлислар нафақат кўрсатувни томоша қилиш, балки уни китоб ҳолида ўқиш имконига ҳам эга бўлдилар.

– «Ватанпарвар» посбонларимизнинг севимли газетаси. Ушбу суҳбатни ўқиб, ҳарбийлар орасидан ҳам сизнинг кўрсатувингизда иштирок этишни истовчилар чиқиб қолиши мумкин...

– Биз бундан фақат хурсанд бўламиз. Юрт посбонларига ҳурматим юксак. Улар борки, турмушимиз осойишта, уйқуларимиз осуда, ҳаётимиз фаровон. Агарда ҳарбий хизматдаги мард ўғлонлар кўрсатувимизда иштирок этишни хоҳласалар, жон дердик. Ўз навбатида уларга тилакларим эзгу. Доимо зафар қучсинлар, соғ-омон бўлсинлар.

Мавжуда МИРЗАЕВА суҳбатлашди.

Телемухлисларга «Интеллектуал ринг», «Ўйла, изла, топ», «Заковат» номли телешоулар манзур бўлиб келмоқда. Ўзбекистон телевидениесининг ушбу кўрсатувлари орасида ўйлашга, фикр-мушоҳада юритишга чорловчи яна бир интеллектуал дастур борки, бу ҳам бўлса «Қилни қирқ ёриб» детектив-шоусидир. Бугунги суҳбатдошимиз айнан шу кўрсатув муаллифи ва бошловчиси, шунингдек «Ёшлар» каналининг катта муҳаррири Икром Улуғбоев бўлади.

Театральный сезон

ЧУДНЫЕ МГНОВЕНИЯ

Театры республики открыты для культурного обмена со всем миром. Подтверждением тому служат гастроли наших артистов за рубежом и иностранных трупп – на узбекистанской земле. Так, на днях столицу с очередным визитом посетил всемирно известный симфонист и дирижер оперного оркестра маэстро Пьер Доминик Поннелле из Германии. Вот уже более 30 лет прославленный музыкант руководит оркестром, гастролирует. Нынешний его приезд в Узбекистан – девятый по счету. И вновь выступление дирижера состоялось на сцене Государственного академического Большого театра имени А.Навои.

– Я искренне полюбил и ГАБТ и Ташкент с первого раза, побывав здесь еще пять лет назад. И это состояние влюбленности никак не проходит. На этот раз я дирижировал одиннадцатый спектакль театра – оперу Ш.Гуно «Фауст». В первый же свой приезд за десять дней гастролей я успел вместе с творческим коллективом исполнителей подготовить и представить зрителям сразу два крупных произведения Дж.Верди: «Аиду» и «Бал-маскарад». С тех пор я готов бывать в Узбекистане снова и снова, ведь здесь я встретил очень много замечательных людей, профессионалов своего дела. Это и яркие солистки ГАБТа Ольга Александрова и Гульшан Азизова, и блестящий композитор Анвар Эргашев – каждый из них неповторим в своей творческой индивидуальности и восхитителен в человеческих качествах!

В мечтах маэстро – осуществить в корне новую постановку бессмертного произведения Дж.Пуччини «Принцесса Турандот» и уникальной оперы Дж.Верди «Симон Бока Негра» на сцене Большого театра.

Между тем в Лондоне с успехом прошли гастроли отечественного театра «Ильхом». На суд публики британской столицы был представлен спектакль «Белый, белый, черный аист», созданный по произведениям великого узбекского романиста Абдуллы Кадыри. Актеры играли спектакль на русском языке, но это не смутило готового ко всему лондонского зрителя.

Замысел удался, и раскупленные задолго до прибытия труппы театра в Лондон билеты – лишнее тому доказательство. Кстати, именно спектаклями «Белый, белый, черный аист» и «Полеты Машраба» «Ильхом» закрывает на этой неделе свой юбилейный 30-й театральный сезон.

Рамиль ИСЛАМОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Футбол. Жаҳон чемпионати – 2006

ТЕНГ КУРАШЛАР ОСТИДА

Германия яшил майдонларида ўтаётган жаҳон чемпионати ўйинлари тобора шиддатли тус олмоқда. Хоҳ ўз тарихида илк бора бундай йирик мусобақаларда иштирок этаётган дебютант жамоа бўлсин, хоҳ кўп марталаб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган, ҳатто чемпионлик унвонига сазовор бўлган жамоа бўлсин, ҳар бир очко учун бор кучини аямай, муросасиз кураш олиб боришига тўғри келмоқда. Фаворит деб тан олинган жамоалар ҳам кейинги босқичга чиқиш учун бор маҳоратларини ишга солиб, учрашувларнинг сўнгги дақиқаларигача тиним билмаяптилар. Шу билан бир қаторда ушбу чемпионатда кутилмаган натижалар ҳам тез-тез учраб турибди. Мисол учун, Аргентина терма жамоаси сербиялик футболчиларни 6:0 ҳисобидаги шармандали натижа билан енгишини ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Ёки дебютант жамоа – Тринидад ва Тобагодек кичик давлат вакилларининг футбол ватани ҳисобланмиш Англия терма жамоаси билан деярли ўйин охиригача тенгма-тенг кураш олиб борганликлари ҳам барча қитъаларда футбол тобора ривожланиб бораётганининг яққол исботи эмасми? Яна бир дебютант жамоа – Ангола футболчилари ҳам кучли Мексика терма жамоаси билан бўлган учрашувда дурангга эришиб, жаҳон чемпионатидаги илк очкога сазовор бўлишди. Аввалги турда жуда чиройли ўйин кўрсатиб, рақибларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратган Чехия терма жамоаси эса ганалик «чарм тўп» усталари олдида ип эшолмай қолгани ҳам жаҳон чемпионатининг шовшувларидан бири бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, чемпионат мухлислар кутганидек қизиқарли ва шиддатли ўтмоқда. Олдинда эса бизни янада кескин ва муросасиз ўйинлар кутаётгани ҳам шубҳасиз. Чунки жамоалар сараланиб боргани сайин чемпионат ҳам янада қизғин тус олиб боради. «Олтин кубок» ва жаҳоннинг энг кучли жамоаси номини қўлга киритиш, шу билан биргаликда совринли ўринларни эгаллаб, катта миқдордаги мукофотга сазовор бўлишни ким истамайди дейсиз?! Шу борада баъзи маълумотларни келтирмоқчимиз.

ФИФА мундиал иштирокчиларини мукофотлаш учун 300 миллион Швейцария франки ажратган. Чемпионликни қўлга киритган жамоа 24,5 миллион франк (18,75 миллион доллар) билан мукофотланади. Финал баҳсида мағлубиятга учраган жамоа эса 22,5 миллион франкни қўлга киритади. Шунингдек, нимчорак финал иштирокчилари 6,5, чорак финалнинг омади кулмаган 4 жамоаси 11,5 миллиондан Швейцария франкига эга бўлишади. Ярим финалчиларнинг ҳар бири 16,45 миллион франк билан тақдирланади.

Энди сизларни 2-тур учрашувлари натижалари билан тўлиқ таништириб ўтамиз: «А» гуруҳи: Германия–Польша–1:0, Эквадор–Коста-Рика–3:0, «В» гуруҳи: Англия– Тринидад ва Тобаго–2:0, Швеция–Парагвай–1:0. «С» гуруҳи: Аргентина–Сербия ва Черногория – 6:0, Голландия–Кот-Д'Ивуар–2:1. «Д» гуруҳи: Мексика–Ангола–0:0, Португалия–Эрон–2:0. «Е» гуруҳи: Чехия–Гана–0:2, Италия–АҚШ–1:1. «F» гуруҳи: Япония–Хорватия–0:0, Бразилия–Австралия–2:0. «G» гуруҳи: Франция–Жанубий Корея–1:1, Того–Швейцария–0:2. «Н» гуруҳи: Саудия Арабистони–Украина–0:4, Испания–Тунис–3:1.

20-21 июнь кунлари эса баъзи гуруҳларда 3-тур учрашувлари ҳам бўлиб ўтди ва кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритган жамоалар номи аниқланди: «А» гуруҳи: Эквадор–Германия–0:3, Коста-Рика–Польша–1:2, «В» гуруҳи: Швеция–Англия–2:2, Парагвай–Тринидад ва Тобаго–2:0, «С» гуруҳи: Голландия–Аргентина–0:0, Кот–Д'Ивуар–Сербия–3:2. «Д» гуруҳи: Эрон–Ангола–1:1, Португалия–Мексика–2:1.

Шу кунга қадар нимчорак финалга йўл олган жамоалар (гуруҳда эгаллаган ўрни бўйича): Германия, Эквадор, Англия, Швеция, Португалия, Мексика, Аргентина, Голландия.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Ҳарбий спортчиларимиз

ДОВОНЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ

Умумармия спорт ўйинларини ҳарбийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, уларнинг жанговар шайлигини ошириш йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг бири сифатида бемалол таъкидлашимиз мумкин. Чирчиқда иккинчи бора ўтказилган Умумармия спорт ўйинларида миллий кураш бўйича 100 кг.дан юқори вазн тоифасида гиламга чиққан шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ўткир Қурбонов рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб, финалда тенгсиз полвонлардан бири бўлган Ўткир Саломовга рўбарў келди. Бу беллашувда Сурхон фарзанди бўлган оддий аскар Қурбонов имкониятларини намоён этиб, тажриба бобида устун эканлиги кўрсатиб, шоҳсупанинг энг юқори чўққисидан жой олди.

Ёшлигидан спортнинг кураш тури билан муҳтазам шуғулланиб келган Ўткирнинг бу дастлабки муваффақияти эмас. Жарқўрғон тумани, сўнгра Сурхондарё вилояти бўйича ёшлар ўртасида бир қатор мусобақаларда ғалаба нашидасини сурган йигит 1997 йил Самарқанддаги спорт мактабига ўқишга киргач, имкониятлари янада кенгайди. 2001 йил Ҳиндистонда дзюдо бўйича Ражив Ганди хотирасига бағишланган турнирда қатнашиб, ўз вазни тоифасида биринчи ўринни қўлга киритганида Ўткир 18 ёшида эди. Ўша йил Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида у яна совринли ўринни қўлга киритиб, устозларидан олган сабоқлари бесамар кетмаётганлигини исботлади. Ўткир 2002 йил дзюдо бўйича Сурияда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида, 2003 йил Японияниинг Осака шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўз маҳоратини кўрсатиб, голиблар сафидан жой олди.

Яқинда дзюдо тоифасида Москвада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўз вазни бўйича фахрли ўринни банд этди, юртимиз посбони.

– Халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллашимда устозларим – Жамол Шодмонов ҳамда Хушвақт Кафиевларнинг алоҳида ўрни бор, – дейди биз билан суҳбатда шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ўткир Қурбонов. – Улар тинимсиз машғулот олиб бориш баробарида, гиламга чиқишимдан аввал доимо далда бўлишади. Бу эса ўз ўрнида мусобақада менинг ғалабамни таъминлайди.

Миллий армиямиз спортини улуғлаб, унинг шуҳратини оламга ёйиб келаётган Ўткир айни чоғда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида хизмат қилмоқда. Самимий ва очиққўнгил бу йигитни ҳарбий билим юртида кўпчилик ҳурмат қилади. Бу ҳақда офицер Тўра Жўраев шундай дейди:

– Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ўткир Қурбонов ўқув жараёнини таъминлаш батальонида энг илғор посбонлардан ҳисобланади. Ўз устида тинимсиз ишлаб, кези келганда қуролдош дўстларидан ҳам ёрдамини аямай келаётган посбон ўқув машғулотларида ҳамиша етакчи. Ёзги ўқув мавсумини кўтаринки кайфиятда бошлаган ўғлон, мавсум давомида эришажак барча ютуқларини энг улуғ ва энг азиз байрамимиз ҳисобланмиш Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйига бағишлаган.

Ҳолида БЕКНАЗАРОВА.

«Маърифат» газетаси соврини учун

МАЙДОНДА – ЖУРНАЛИСТЛАР

Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мини-футбол бўйича журналистлар ўртасида мусобақа ташкил этилди. «Маърифат» газетаси соврини учун кечаётган мазкур беллашувларнинг ташкилотчилари республика Халқ таълими вазирлиги ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобланишади.

Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Умид» болалар спорт мажмуасида айни пайтда қизғин кечаётган мазкур мусобақаларда республикамизнинг 14 та етакчи оммавий ахборот воситалари жамоалари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритишмоқда.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида турлича спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланиб бораётир. Бу журналистларимизнинг нафақат соғлом турмуш тарзини жамоатчиликка тарғибот қилиши, балки мазкур жараёнда ўзлари ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилишаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Муҳими шундаки, «Ватанпарвар» газетаси жамоаси ҳам мазкур мусобақада муваффақиятли иштирок этяпти. Жамоамиз футболчиларига омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

Бокс

ВЬЕТНАМДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида бокс бўйича ўсмир ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди. Мусобақада ўн нафар боксчи билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси тўққизта медални қўлга киритди. Бир йўла етти нафар ўзбекистонлик боксчи финал йўлланмасини қўлга киритишди. 60 кг. вазнда Азамат Эргашев ва 80 кг. вазнда Ёқутжон Султоновлар рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритишди. Умумий ҳисобда Марат Қурбонов шогирдлари ўн бешта давлат иштирок этган халқаро мусобақада кучли учликдан жой олишди.

Кураш

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Яқинда Қирғизистон Республикаси Президенти кубоги учун белбоғли кураш бўйича очиқ биринчилик ўтказилди. Унда ўзбекистонлик полвонлар ҳам иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олишга муваффақ бўлишди. Чемпионатда ўнта вазн тоифасида қатнашган полвонларимизга Халқаро белбоғли кураш академияси аъзоси Носиржон Азизов устозлик қилди. Унинг шогирдларидан Шуҳрат Бозоров 100 кг.дан ортиқ вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда 2-ўринни эгаллаган бўлса, мутлақ вазнда ниҳоясига етган баҳсларда ҳам 3-ўрин соҳибига айланди.

Коллектив информационно-издательского комплекса «Ватанпарвар» выражает глубокие соболезнования корреспонденту Мирзаеву Х. в связи с кончиной его отца
МИРЗАЕВА Фаруха Тураxановича.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси туман кенгаши раиси
БОБОНАЗАРОВ Умариддин Турсуновичнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, Ё. ҲАКИМОВ, Ҳ. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2535. Адади 24300.